


Ijtimoiy-huquqiy jurnal

HUQUQ va BURCH

ISSN 2010-5436

№10/2020



O'zbek tili bayrami kuni

Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги,
Бош прокуратураси,
Конституциявий суди,
Олий суди

Таҳрир кенгаси:

Рўсланбек Давлетов
Нигматилла Йўлдошев
Бахтиёр Мирбобоев
Козимджан Камилов

Бош мұхарріп:

Аслиддин Алмадонов

Таҳрир ҳайъати:

Ақбар Тошқұлов
Бахтиёр Исаков
Светлана Ортикова
Хәёт Шамсудинов
Шерзод Рабиев
Нодирбек Салаев

Бош мұхарріп ўринбосари:

Шавкат Ёдгоров

Дизайнер:

Азамат Жуманиёзов

Навбатчи мұхарріп:

Ҳасан Нишонов

Журнал саҳифаларида Аҳмад Тўра фотоларидан
фойдаланилган.

«HUQUQ va BURCH» ижтимоий-хуқуқий журнални
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига 2012
йил 13 июнда 0251-сонли гувоҳнома билан рўйхатта
олинган. Журнал 2006 йил март ойидан чиқа
бошлаган. Ойда бир марта чиқади.

Нашр индекси: 902. Сотувда келишилган нарҳда.

Журнал саҳифаларида чоп этилган материаллардан
фойдаланилганда «HUQUQ va BURCH» ижтимоий-
хуқуқий журналидан олинди деб кўрсатилиши шарт.

Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз
қилиш ва қайтариш мажбуриятини олмаган.

PR белгиси билан берилган мақолалар тижорат
мақолалари ҳисобланади.

Таҳририят манзили:

100115, Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 29-йўй.

Телефонлар:

Ижодий бўлими: (71)277-04-23, (71) 277-04-51.

Обуна бўлими: (71)277-04-26; Бухгалтерия: (71) 277-04-72

web-site: www.huquqburch.uz;

e-mail: info@huquqburch.uz

facebook.com/huquqburch.uz

telegram.me/huquqburch.uz

Журнал 04.11.2020 йилда босмахонага топширилди.

Қозоғ бичими 60x84 1/8. Офсет усулида босилди.

Шартли 8 б.т. Буюртма № 2903. Адади: 2950.

«Колорпак» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Тошкент шаҳри, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.



ТИЛИ ЙЎКНИГ ЎЗИ ЙЎК

2

«ОНА ТИЛИМ, СЕН БОРСАН, ШАКСИЗ...»

24

АХОЛИ МУРОЖААЛЛАРИ жамиятнинг саводхонлик даражасини кўрсатувчи индикатор- лардан бири

28



ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ СОҲАСИ: мақсад ва вазифалар

34



АҚШДА МЕХНАТ МУНОСАБАТ- ЛАРИНИГ хуқуқий жиҳатлари

38

Америка Қўшма
Штатлари
хуқуқий тизими
ва қонунчилиги
бир-биридан
мустақил бўлган
50 та штатдан ташкил
тотган федератив
давлатdir.



«Ўзбекистонда ўзбек тилини ўрганиш учун тил мухити мавжуд бўлгани ҳолда, ўзбек тилини ўрганишга эҳтиёж паст. Яқинда Ўзбекистон фуқаролигига қабул

килишда давлат тили бўйича имтихондан ўтилиши тўғрисидаги низом тасдиқланди. Ушбу тартиб ўзбек тилини ўрганишга эҳтиёж-ни юзага келтиради. Шунингдек, давлат тили ҳақидаги қонун талаб-

ларига риоя қилмаганлик учун мансабдор шахсларга жавобгарликни назарда тутувчи Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс-

нинг 42-моддасига ўзгартрииш киритиш ҳақидаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, кейинги инстанцияга – ҳукуматга тақдим этилди.

Бу лойиҳа ўтса, давлат тилини ўрганишга эҳтиёж янада ортиши мумкин».

**МИЛЛИЙ ДАВ-
ЛАТЧИЛИГИМИЗ
ТАРИХИДА
мурожаатлар
институти**

44



«СУДЬЯНИНГ
ОНГИДА –
АЛОЛАТ,
ТИЛИДА –
ХАҚИҚАТ,
ДИЛИДА –
ПОКЛИК
УСТУВОР
Бўлиши ЛОЗИМ»

50

МУСТАҚИЛ
СУДЬЯЛАР
КОРПУСИ
уни шакллан-
тиришга
қаратилган
халқаро
стандартлар

**ТЕРГОВ ВА
СУДЛОВ
СИФАТИ**
адолатнинг
тўлиқ қарор
топишига
хизмат қиласди

56

**МИЛЛИ
ХИҚОЯЛАР**

60

52





Тили йўқнинг ўзи йўқ

2019 йил 21 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Шу куни давлат тили тўғрисидаги қонун қабул қилинганинг 30 йиллиги муносабати билан мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 21 октябрни байрам сифатида эълон қилди. 2020 йил 10 апрелда эса «Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Эътироф этмоқ жоиз, сўнгги йилларда ўзбек тилининг мавқеини ошириш борасида жиддий қадамлар қўйилмоқда ва бу жараён бир зум тўхтагани йўқ.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг
Давлат тилини ривожлантириш департаменти томонидан**
“21-октябрь – Ўзбек тили байрами куни” муносабати билан
амалга оширилаётган чора-тадбирлар

ТАНЛОВЛАР:

Давлат тилини миллий қадрият сифатида тарғиб килиш, унга нисбатан миллий түрур хиссени тарбиялаш, тилимизнинг халқаро мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида

Ўзбек тилининг она тили ва давлат тили сифатида ўқитишишини тақомиллаштирувчи илмий-методик фоалиятни ривожлантириш мақсадида

Ўзбек тилини ўқитишини ривожлантиришга доир илмий-методик тадқиқотларни рафбатлантириш ва оммалаштириш мақсадида

**“ҚАДРИНГ БАЛАНД БЎЛСИН,
ОНА ТИЛИМ”**

**“ДАВЛАТ ТИЛИ БЎЙЧА ЭНГ
ЯХШИ ВИДЕОДАРС”**

“ЭНГ ЯХШИ МЕТОДИК ТАВСИЯ”



Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан АҚШнинг Огайо давлат университетидаги ўзбек тили курслари учун ҳар йили **10 минг АҚШ доллари** микдорида маблағ ажратилишига эришилди. Академик жиҳатдан Огайо университети АҚШнинг энг илғор университетлари рейтингидаги **17- ва жаҳонда 45-уринда туради**. Хозирги кунда Огайо университети АҚШдаги энг йирик ўзбек тили таълими дастурига эга. 2003 йилдан бўён университетдаги **200 дан ортиқ талаба** ўзбек тили курсларини тамомлаган.

НАШР ИШЛАРИ:



Департамент томонидан Ўзбекистон Фанлар академияси ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти билан ҳамкорликда нашр этилган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” ва “Давлат тилида иш юритиш” амалий қўлламаси юздан ортиқ давлат ва хўжалик бошқаруви органларига бепул тақдим этилди.

21 ОКТЯБРЬ – ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

“Ўзбек тилининг лотин ёзувига асосланган ягона имловий луғати”, “Давлат тилида иш юритиш” қўлламасининг лотин алифбосидаги нашири, “Ижтимоий-сиёсий терминларнинг изоҳли луғати”, умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун “Сўз сандиқчаси” номли изоҳли луғат, Адаблар хиёбонида хайкаллари қад ростлаган адаблар фаолиятига доир “Сўз хиёбони” тўплами каби китоблар чоп этилиши режалаштирилган.

ВЕБ-РЕСУРС:



Хорижликлар ва юртдошларимиз учун ўзбек тилини ўргатувчи онлайн платформа [“uzbek-tili.uz”](http://uzbek-tili.uz) яратилди.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”нинг тўлдирилган, тузатилган босма нашри мазмуни асосида уяли телефонлар учун **Android** ва **iOS** платформаларида ишлай оладиган “izohli-lug'at” мобил иловаси яратилди. Илова лотин ва кирил алифбосида фойдаланишига топширилди. “izohli-lug'at” дастурининг оффлайн, **компьютер** (десктоп) дастури фойдаланувчиларга бепул тақдим этилади.

Шунингдек

● **3 МИНГ** нусхадан “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”
(5-жилд)

● “Давлат тилида иш юритиш” қўлламалари нашр қилинди

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Департамент томонидан Ташқи ишлар вазирлиги орқали хориждаги 36 та элчихона ва консулхоналарга



250 номда

ўзбек тили дарслеклари, илмий ва бадий адабиёт электрон кўринишида тарқатилди

Шунингдек, АҚШ, Туркия, Озарбайжон, Украина сингари мамлакатларда



10 га яқин

ўзбек тилининг жозибаси ва уни ўрганиш услугубарига бағишланган вебинар ўтказилди.



Тил – миллат руҳиятини намоён этувчи муҳим воситадир. Тил – фахр, ғуур, шаъндр. Зотан, бу юксак таърифнинг юки хусусида буюк мутафаккиримиз Алишер Навоий «Мухокамат ул-лугатайн» асарида «халқ орасидан чиққан истеъод аҳли салоҳият ва қобилиятларини ўз тиллари турганда ўзга тил билан зоҳир қиласалар ва ишга солмасалар эди. Агар иккала тилда ижод этиш қобилиятлари бўлса, ўз тилларида кўпроқ ёёсалар эди» дейа бежиз таассуф қилмаган эди.

Синчков боқилса, ҳар бир халқнинг ўз тили билан боғлиқ ютуқлари, камчиликлари ва муаммолари турли даврларда ўта долзарб масала сифатида муҳокамалар марказида бўлиб келган. Айниқса, бугунги глобаллашув замонида айни ёндашув тобора чўнг аҳамият касб этяпти. Сабаби, турли атамалар, байналмилал сўзлар, соҳавий таааллуқлилигига кўра ўзга тиллардан кириб келаётган янги сўзларнинг айни муқобилига ўғириш; умуман, ўзбек тили лугатини янада бойитиш каби ёндашувлар бот-бот кун тартибига чиқмоқда.

Адлия вазирлиги томонидан октябрь ойининг адлия органлари ва муассасаларида йўзбек тили ойлиги деб эълон қилиниши муносабати билан ҳамкор ташкилотлар иштирокида вазирлик хузурида ҳамда худудларда турфа тадбирлар ташкил этилиб, юридик соҳага оид тил муаммолари ўртага ташланяпти, таклиф-мулоҳазалар билдирилмоқда.

Биз журналинизнинг маҳсус сонида ана шу ўйғоқ фикр эгаларининг чиқишиларини туркум мақолалар тарзида ҳавола этишни лозим топмоқдамиз. Ўйлаймизки, тизимли равишда жойланган материаллар муштариликимизни бефарқ қолдирмайди.

Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мавқенини юксалтириш омиллари



Шахноза СОАТОВА,

Адлия вазирининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси

– Бугунги кунда йўзбекистонда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мавқei борасида сўз борар экан, аввало бугунги ҳолат ва келажак ҳақида сўз юритиша тўғри келади. Чунки биз аҳволимизни холис баҳолаб, истиқболимизни тўғри белгилаб олсанкина, қиласидан самара бўлади. Хўш, бугун ҳолат қандай? Давлат тилини ривожлантириш ва мавқенини ошириш борасида олдимиизда қандай муаммолар ва вазифалар турибди?

Аввало, давлат тилининг жамият ҳаётida тутган ўрни ва мавқei ҳақида. Сўнгги 30 йилда мамлакатимизда бу борада муаммолар йиғилиб қолган бўлса-да, умуман олганда давлат тилининг фуқаролар ҳаётидаги ўрни ва мавқei объектив, табиий зарурат таъсирида органини қайд этиш лозим. Бугун аҳолининг катта қисми ўзбек тилида мулоқот қиласиди, сўнгги йилларда бу тилда мулоқот қилувчи аҳоли сони янада ортган, кундаклик ҳаётда давлат тилининг мавқенига ҳозир катта хавф

мавжуд эмас ва истиқболда ҳам бу даражада ўзбек тили яшаб қолади.

Лекин бу ўзбек тилини она тили сифатида эгаллаган аҳоли-нинг демографик, яъни сон жиҳатидан ўсиши ортидан юзага келгандар ҳолат бўлиб, буни бир потенциал сифатида қарасак, у ўсиши тенденциясига эга.

Бироқ тилнинг ривожланиши расмий, сиёсий, ижтимоий, илмиy йўналишларни қамраб олишни ҳам тақозо қиласди. Бу борада эса қатор муаммолар бор.

Ўзбекистонда ўзбек тилини ўрганиш учун тил мұхити мавжуд бўлгани ҳолда, ўзбек тилини ўрганишга эҳтиёж паст. Яқинда ўзбекистон фуқаролигига қабул қилишда давлат тили бўйича имтиҳондан ўтилиши тўғрисидаги низом тасдиқланди. Ушбу тартиб ўзбек тилини ўрганишга эҳтиёжни юзага келтириди. Шунингдек, давлат тили ҳақидаги қонун талабларига риоя қилмаганлик учун мансабдор шахсларга жавобгарликни назарда тутувчи Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 42-моддасига ўзgartариши киритиш ҳақидаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқи-либ, кейинги инстанцияга – хукуматга тақдим этилди. Бу лойиҳа ўтса, давлат тилини ўрганишга эҳтиёж янада ортиши мумкин.

Аммо шунга қарамай ҳозир давлат тилини билмаслик фуқароларга мансаб пиллапояларида юкорилаш, бизнес юритиш, таълим олиш, мулоқот қилиш ва ҳоказо соҳаларда халақит бермайди. Бу, бир томондан, мамлакатимизда олиб борилаётган либерал тил сиёсатининг ижобий жиҳати, яъни фуқароларга ўз она тилида мулоқот қилиш, таълим олиш каби ҳуқуқлар кафолатланганининг исботи бўлса, бошқа томондан бу жараёнда «Давлат тили ҳақида»-ги қонун меъёрларига тўлиқ амал қилмаслик ҳолатлари кузатила-ётгани кишини ташвишлантиради.

Масалан:

Бугунги кунда ҳам ҳамон айрим давлат ташкилотларидан хатлар ва бошқа ҳужжатлар давлат тилидан бошқа тилларда чиқарила-ётгани, шартномалар, тендер материаллари, классификаторлар ва ҳоказо мухим ҳужжатларнинг давлат тилидаги варианtlари мавжуд эмаслиги, давлат ташкилотлари ўтказаётган тадбирларнинг рус тилида олиб борилиши, халқаро тадбирлар, хусусан, семинарлар, тренингларда синхрон таржималар давлат тилига қилинмаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Очиқ тан олиш керак, бизда давлат тили масаласида баъзи муаммолар анча йиллардан бери ҳал қилинмай, тўпланиб қолган. Терминология, лугатшунослик, кадрлар тайёрлаш, давлат тилида иш юритиш, ўзбек тили таълими, реклама, норма ижодкорлиги, илмиy фаoliyatdan тортиб давлат тилига бўлган муносабаттагача қатор соҳаларда ҳали қилинадиган ишлар кўп.

2020 йил январь-март ойлари давомида адлия вазирлиги турли вазирлик, идора ва ташкилотлардан (мурожаатлар ҳамда адлия органлари ва муассасаларидан келиб тушган ҳужжатлардан ташқари) жами **8031** та хат ва ҳужжат келиб тушган, уларнинг **1200** дан ортифи (15-18 фоизи) бошқа тилларда (асосан рус тилида) ёзилган. Бундан давлат ташкилотлари ва идораларида ҳамон давлат тилида иш юритиш бўйича муаммолар борлиги кўриниб турибди.

**Дикқат,
Эълон!**

Лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа кўргазмали ҳамда оғзаки ахборот матнлари давлат тилида расмийлаштирилади ва эълон қилинади, бошқа тилларда таржи-маси берилиши мумкин.



Хусусан:

Биринчидан, норма ижодкорлиги ва давлат тилида иш юритиш масаласи. Масалан, 2020 йил **январь-март** ойлари давомида адлия вазирлигига турли вазирлик, идора ва ташкилотлардан (мурожаатлар ҳамда адлия органлари ва муассасаларидан келиб тушган хужжатлардан ташқари) жами **8031 та** хат ва хужжат тушган, уларнинг **1200 дан ортиги** (15–18 фоизи) **бошқа тилларда** (асосан рус тилида) ёзилган. Бундан давлат ташкилотлари ва идораларида ҳамон давлат тилида иш юритиш бўйича муаммолар борлиги кўриниб турибди. Биз барча давлат ташкилотлари ва идораларига Адлия вазирлигига хукуқий экспертиза учун кириладиган лойиҳаларнинг давлат тилида бўлишини, давлат тилидаги версияси бўлмаган қонун хужжатлари лойиҳалари хукуқий экспертизадан ўтказилмаслигини маълум қилиб хат чиқардик.

Ўзбекистонда ўзбек тилини ўрганиш учун тил мухити мавжуд бўлгани ҳолда, ўзбек тилини ўрганишга эҳтиёж паст.

Шунингдек, адлия вазирининг адлия органлари ва муассасаларида давлат тилида иш юритилиши, барча хужжатлар, тадбирлар, пешлавҳалар ва бошқа ёзувлар давлат тилида бўлиши, бошқа ташкилотлар билан ёзишмалар ва хужжат ишлари давлат тилида олиб борилишини назарда тутувчи маҳсус кўрсатмаси чиқарилди.

Энг мухим саъй-ҳаракатлардан бири – қонун хужжатлари жамоатчилик муҳокамасига давлат тилида тақдим этилишини таъминлаш мақсадида *regulation.gov.uz* порталига давлат тилидаги версияси бўлмаган лойиҳаларни жойлаштирмаслик тартибини жорий этидик. Бу билан бир томондан давлат тилида иш юритиш тартибини тўлиқ жорий этиш, иккинчи томондан норма ижодкорлигига қонун хужжатларининг лойиҳалари давлат тилида тайёрланишига ваколатларимиз доирасида ҳисса қўшишни мақсад қилганимиз.

Таъкидлаш керак, бу борадаги ишлар барча давлат органлари нинг ҳамкорлиқда ишлashingни тақозо қиласди.

Иккинчидан, ўзбек тили таълими масаласида. Хусусан, давлат хизматчиларида давлат тилида иш юритиш кўнникмасини шакллантириш, уларнинг ушбу йўналишда малакасини ва тажрибасини ошириш масалалари бор.

Ҳозир Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети қошида очилган Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази томонидан бу ишлар йўлга кўйилиши бошланди. Бироқ бу тилни биладиганлар учун малака ошириш босқичи. Ўзбек тилини билмайдиган, аммо уни ўрганишни истаётгандар учун-чи?

Агар биз ўзбек тилини ривожлантириш, мавқенини ошириш, хусусан, давлат ташкилотларида давлат тилида иш юритишни тў-лиқ йўлга кўйишни истар экамиз, аввало, бугунги кунда фаолият олиб бораётган ходимларга ўзбек тилини ўқитиш масаласини ҳал этишимиз керак. Лекин шу кунгача бизда ўзбек тили фақат мактабларда белуп ўқитилади, катталарга ўзбек тилини ўқитиш жараёни яхши йўлга кўйилмаган. Шу кунгача ўзбек тилининг универсал грамматикаси ишлаб чиқилмагани, тил ўқитиш методикасининг жаҳон стандартларига мувофиқлаштирилмагани, бу борада мутахассислар ва малакали педагогларнинг этишмаслиги ҳақида кўп гапирилди.

Масалан:

Узоқ вақт давомида ўзбек тилини билмайдиган, ўзбекча гапирмайдиганлардан таркиб топган гурухларга ўзбек тилини ўргатиш учун кадрлар тайёрланмади. Фақат 2016 йил ташкил этилган Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бу йўналишда 100 кишилик квота ажратилиб, кадрлар тайёрланмоқда.

Лекин шунда ҳам бугунги кунда ҳамма учун мақбул, етарли ўзбек тилини ўргатиш тизими яратилмаган. Хусусан, универсал дарслклар, видеодарслар, аудиоматериаллар, тил ўқитишнинг замонавий технологик усуллари жорий этилмаган. Шу боис ўзбек тилини ўрганаман деган фуқаролар бу борада маълум қийинчилкларга дуч келмоқдалар.





Ўзбек тилини она тили си-
фатида эгаллаган аҳолининг
демографик, яъни сон жиҳа-
тидан ўсиши ортидан юзага
келган ҳолат бўлиб, буни бир
потенциал сифатида қарасак,
у ўсиш тенденциясига эга.

Давлат ҳокимияти ва
бошқарув органларида
иш давлат тили-
да юритилиши ва
заруриятга қараб
бошқа тилларга
таржима қилиниши
лозим.

Учинчидан, терминология борасида қилинадиган ишлар кўп.
Ўтган ўттиз йил давомида ўзбек тилининг терминологик жиҳат-
дан бойиши жараёнига эътибор берилса, жуда катта ҳажм ёки
динамика кузатилимаслигига гувоҳ бўлиш мумкин. Бугунги ўзбек
терминологияси социология, сиёsatшунослик, молия ва ҳоказо
соҳалардаги барча нозик маъно фарқларини ўзида акс эттирувчи
бой атамалар базасига эга эмас. Оддий мисол, рус тилидан «госу-
дарственная услуга» ва «государственная служба» атамалари ўз-
бек тилига бир хил – давлат хизмати деб таржима қилинади. На-
тижада, масалан, давлат хизматини ривожлантириш ва давлат
хизматларини ривожлантириш деган иккита алоҳида тушунча
чалкаштириб юборилаётган ҳолатлар учрамоқда.

Бугунги кунда бизнинг соҳавий атамалар луғатларига катта
эҳтиёжимиз бор. Хусусан, ҳукуқий соҳада оладиган бўлсак, бар-
ча ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар учун ягона юридик
терминлар тезауруси (электрон лугати) ва платформаси яра-
тилиши лозим. Токи норма ижодкорлигига даҳлдор ҳар бир ор-
ган, ҳар бир ходим бир манбадан, бир хил атамалардан фойдалан-
син. Яъни юридик атамаларни стандартлаштириш ва унифи-
циялаш эҳтиёжи мавжуд.

Тўртингчидан, бошқа тиллардан сўз қабул қилиш. Дунёда ўз-
га тиллардан сўз қабул қилмаган тилнинг ўзи йўқ, лексик қатлам
доимо жамият тафаккуридаги янгиланишлар ва ўзгаришларни
ўзида акс эттиради ва бу акс эттириш асосан қабул қилинган янги
сўзлар орқали рўй беради, айнича бугунги глобализация асрода
тиллараро таъсирлашув, хусусан, четдан сўз қабул қилиш шидда-
ти ортгани маълум.

Бироқ бу жараён тизимсиз ва аниқ бир механизмларсиз, сти-
хияли тарзда амалга ошмоқдаки, аҳвол бу тарзда давом этса, ҳам
тилимизнинг муҳофазаси, ҳам тушунчаларни тушуниш ваifo-
далашдаги аниқлик ва бир хиллик масалаларига жиддий зарар
етади.

Бешинчидан, тилимизнинг ахборотга тўйинганлиги масала-
си. Ўзбек тилида ахборот, маълумот, манба қанча кўп ва ранг-ба-
ранг бўлса, тил шунча ривожланади. Уни билишга интилиш ҳам
шунчалик ортади. Бунда асосий омиллардан бири саналган тар-
жимашунослик мактабини ривожлантириш керак. Маълумки, таржималар орқали тил бойиди, тафаккур бойиди.

Бугун ўзбек тилида матнлар, китоблар, видео ва аудиконтент-
лар жуда кўп бўлиши тил ўрганувчилар учун ҳам, уни биладиган
ва амалда фаол кўллайдиганлар учун ҳам муҳим эҳтиёждир. Бу-
нинг учун эса турли тиллардан, аслиятдан таржималарни кўпай-
тиришимиз, ўзбек тилида маданий, илмий, бадиий манбалар база-
сини бойитишимиз лозим.

Юқоридагиларни эътиборга олиб қўйидаги таклифларни илгари сурамиз:

1

Давлат хизматчиларида давлат тилида иш юритиш кўнимасини шакллантириш учун ҳар бир давлат ташкилоти ва корхонасида вақти-вақти билан давлат тилидан малака имтиҳонлари ўтказилиши лозим. Табиийки, талабга яраша шароит ҳам яратиш мухимдир. Яъни имтиҳонгача ходимларнинг давлат тилида иш юритиш малакасини ошириш бўйича тизим йўлга қўйилган бўлиши, у ходимларни давлат тилини ўрганишга рафбатлантиришни ҳам назарда тутиши керак.

2

Универсал ўзбек тили грамматикаси ва ўзбек тилини замонавий ўқитиш тизмини ишлаб чиқиш зарурати.

3

Терминология соҳасида стандартлаштириш ва унификация мухим аҳамиятга эгалигини ҳисобга олиб, янгиланган ва батафсил электрон луғатлар ишлаб чиқиш талаб қилинади. Шунингдек, юридик терминологияни стандартлаштириш ва унификациялаш, унинг ягона тезаурусини яратиш ишини бошлаш, унинг учун керак бўлса донорлар билан ишлаб, грантлар топиш керак.

4

Мувофиқлашув масаласи. Тил масаласида идора ва ташкилотларо мувофиқлашув ва ҳамкорликни кучайтириш. Ҳозир Давлат тилини ривожлантириш департаменти томонидан барча давлат ташкилотлари ва идораларида фаолият юритувчи тил масаласи бўйича раҳбар маслаҳатчилари боши бирлаштирилган. Бу ўзининг самараларини бера бошлади. Масалан, товархомашё биржасига тил маслаҳатчиси тайинлангач, биржанинг электрон савдолар платформасидаги шартномалар ўзбек тилига ўтирила бошланди. Албатта, ҳозир жараён илгари силжиган, бироқ маълум муаммолар бор. Лекин, умуман олганда, шу масала ҳал этилса, давлат харидлари билан ишлайдиган барча ташкилотларнинг давлат тилида иш юритишига тўсқинлик қиласётган бир омил бартараф этилади.

5

Таржималар соҳасида қабул қилинган қонун хужжатларининг узил-кесил амалга оширилишини назорат қилиш шарти. Масалан, жаҳон адабиётидан 100 дурдона, рус адабиётининг энг сара 100 та асарини ўзбек тилига таржима қилиш тўғрисида қарорлар қабул қилинган. Бу борадаги ишлар режага мувофиқ ва тўлиқ адо этилиши лозим.



Қонун ҳужжатларидаги давлат тили билин боғлиқ муаммолар



Алијон ОЧИЛОВ,
«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот
маркази директори

- Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тили ҳисобланади. Қонун ҳужжатларига нисбатан давлат тилига оид бир қанча талаблар мавжуд. Яъни, норматив ҳужжатларнинг бошқа тиллардаги (*масалан, рус, инглиз, испан, араб, хитой, француз, ҳинд, япон, немис ва ҳ.*) матни бўлиш ёки бўлмаслигидан қатъи назар ўзбек тилидаги матни бўлиши керак. Бу Конституциямизнинг 4-моддасида, «Давлат тили тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддасида аниқ қилиб белгилаб кўйилган. Аммо бутунги кунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишда давлат тили қоидаси билан боғлиқ турли камчиликларга йўл кўйилмоқда.

Масалан:

Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномалари матнлари. Тўғри, бу ҳужжатлар норматив-ҳуқуқий ҳужжат эмас, аммо «Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномалари тўғрисида»ги қонуннинг 29-моддасида Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларини эълон қилиш билан боғлиқ қоидалар белгиланган. Хусусан, 29-моддада Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (<https://www.lex.uz>) Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномалари эълон қилинадиган расмий манба эканлиги, қонун ҳужжатларида Ўзбекистон Республикаси ҳалқаро шартномаларини эълон қилишнинг бошқа расмий манбалари ҳам белгиланиши мумкинлиги назарда тутилган.

Бундан ташқари, аутентик матнлари чет тилларда тузилган Ўзбекистон Республикаси ҳалқаро шартномалари давлат тилида эълон қилиниши, Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномалари бошқа тилларда ҳам эълон қилиниши мумкинлиги кўрсатилган. Яъни, қонун талабига кўра, ҳалқаро шартномалар қайси тида тузилганидан қатъи назар давлат тили – ўзбек тилида ҳам эълон қилиниши керак. Афсуски, амалда бундай эмас. «Давлат тили тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддасига амал қилинмасдан, батзи қонун ҳужжатларининг давлат тилидаги матни бўлмаганидек, кўпчилик ҳалқаро шартномаларнинг ва ҳалқаро тусдаги ҳужжатларнинг ҳам ўзбек тилидаги матни мавжуд эмас.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари маълумотлари миллий базасида мавжуд бўлган ўзбек кирилл алиф-босидаги 1397 та (2020 йил 22 июнгача) халқаро хужжатнинг 500 га яқинининг давлат тилидаги матни йўқ, бу умумий хужжатларнинг 35 фоизини ташкил этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, халқаро шартномаларни эълон қилишдаги ваколатли орган сифатида Ташқи ишлар вазирлиги мазкур масалага эътибор қаратиши лозим.

Норматив-хукуқий хужжатларни қабул қилиш ва эълон қилишида давлат тили қоидаларига риоя этиш масаласи

«Давлат тили ҳақида»ги (янги таҳрири) қонуннинг 8-моддасида Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органдарининг бошқа хужжатлари давлат тилида қабул қилиниши ва эълон қилиниши, бу хужжатларнинг таржималари бошқа тилларда ҳам эълон қилиниши белгиланган. Ушбу моддада қайд этилган қонунлар ва бошқа хужжатлар ўз ичига Ўзбекистоннинг норматив-хукуқий хужжатларини ҳам, шунингдек, бошқа хужжатларни ҳам қамраб олади, албаттга. Гарчи, бу «Норматив-хукуқий хужжатлар тўғрисида»ги (янги таҳрири) қонунда акс этмаган бўлса-да. Аслида, акс этиши тўғрирок бўларди.

Шунга қарамасдан, бир қатор бошқа хужжатларда бу қоида мустаҳкамланган. Хусусан, «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги қонуннинг 26-моддаси бешинчи қисмида қонун лойиҳаси ва унга илова қилинадиган хужжатлар қонунчилик ташаббуси хукуқи субъектлари томонидан Қонунчилик палатасига давлат тилида киритилиши қоидаси мустаҳкамлаб кўйилган.

Гарчи, Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 9 апрелда 2352-сон билан рўйхатдан ўтказилган услубий кўрсатмалarda кўрсатилмаган бўлса-да, хукуматнинг 2019 йил 22 марта даги 242-қарори билан тасдиқланган Вазирлар Маҳкамаси регламентининг 40-бандига биноан Вазирлар Маҳкамаси хужжатлари лойиҳалари хукуматга давлат тилида, зарурат бўлганда – рус тили ва бошқа тилларга таржима қилиниб киритилади. Ваҳоланки, услубий кўрсатмалarda бундай қоида акс эттирилиши керак эди. Худди куйидаги хужжатда бўлгани каби.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 28 февралда 2565-сон билан рўйхатдан ўтказилган Идоравий норматив-хукуқий хужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларининг 74-бандида шундай дейилган: «Идоравий норматив-хукуқий хужжат давлат тилида қабул қилинади. Бунда хужжатнинг таржималари бошқа тилларда ҳам қабул қилиниши мумкин. Идоравий норматив-хукуқий хужжатнинг таржималари унинг давлат тилидаги таҳрирга мувофиқ бўлиши лозим». Айни мазмундаги норма Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдағи 469-қарори билан тасдиқланган Вазирликлар, давлат қўмита-



“ADOLAT”

milliy huquqiy axborot markazi

Давлат тилига оид нормаларни хужжатларда мустаҳкамлаб, қайд этиш масаланинг бир томони, холос. Қонунда норматив-хукуқий хужжатларнинг давлат тилида қабул ва эълон қилиниши тўғрисида аниқ қоидалар белгилаб кўйилган бўлса-да, айрим хужжатлар фақат рус тилида қабул қилингандиги сўзимизнинг исботидир.



лари ва идоралар томонидан қабул қилинган норматив-хукукий хужжатларни хукуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги низомда ҳамда 2016 йил 17 октябрдаги 345-қарори билан тасдиқланган Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қонун лойиҳаларига доир фаолиятининг намунавий регламентида ҳам белгилаб қўйилиши лозим.

Бундан ташқари, Адлия вазирилиги томонидан 2013 йил 1 февралда 2420-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-хукукий хужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва хукуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага ҳам давлат тили билан боғлиқ қоидалар киритилмаган.

Қонунда норматив-хукукий хужжатни давлат тилида тарқатишга доир талаб ҳам белгиланган бўлиб, «Хукуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишини таъминлаш тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддасида давлат органларининг расмий веб-сайтларида хукуқий ахборот давлат тилида жойлаштирилиши кераклиги таъкидланган.

Мазкур хужжатлар ва улардаги давлат тилига доир қоидаларни ҳеч ким инкор этмайди. Юқорида келтирилган баъзи хужжатларда давлат тили тўғрисидаги қоидаларнинг мавжуд эмаслиги эса бу қоиданинг умуман йўқлигини англатмайди. Биз уларни қонунчилик ташаббуси субъектлари эътиборига яна бир бор етказиш ва қонун хужжатларига ўзгартиришлар киритиш нуқтаи назаридан таклиф ўлароқ қайд этдик.

Рақамлар...

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари маълумотлари миллий базасида мавжуд бўлган ўзбек кирил алифбосидаги **1397** та (2020 йил 22 июнгача) ҳалқаро хужжатнинг **500** га яқинининг давлат тилидаги матни йўқ, бу умумий хужжатларнинг **35** фоизини ташкил этади.

Давлат тилига оид нормаларни хужжатларда мустаҳкамлаб, қайд этиш бу масаланинг бир томони, холос. Қонунда норматив-хукукий хужжатларнинг давлат тилида қабул ва эълон қилиниши тўғрисида аниқ қоидалар белгилаб қўйилган бўлса-да, айрим хужжатлар факат рус тилида қабул қилинганлиги сўзимизнинг исботидир.

Хусусан:

Миллий базада 1991–2020-йилларда қабул қилинган хукумат қарорлари ўзбек тилида (кирил алифбосида) **8900** дан ортиқ (2020 йил 12 сентябрь соат 14:40 гача). Бироқ **1300** дан ортигининг давлат тилидаги матни мавжуд эмас. **4200** дан ортиқ Президент хужжатидан **400** га яқинининг, **7000** дан ортиқ идоравий норматив-хукукий хужжатдан **2000** дан ортигининг ўзбек тилидаги матни йўқ.

Албатта, бу рақамлар ичидә норматив-хуқуқий ҳужжат бўлмаган фармойишлар ёки бошқа индивидуал ва ташкилий характердаги ҳужжатлар, шунингдек, ўз кучи ва аҳамиятини йўқотган ҳужжатлар ҳам мавжуд, бироқ аксарият қисми норматив-хуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Булар давлат тилида умуман мавжуд бўлмаган ҳужжатлар бўлса, кўпгина ҳужжатлар иловаларининг ҳам давлат тилидаги матни йўқ. Улар орасида муҳим ҳужжатлар ҳам бор.

Эътироф этиш керакки, жорий йилда қонун ҳужжатларини давлат тилида қабул қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, миллий базада 2020 йилда ҳукуматнинг фақат битта ҳужжати – 2020 йил 23 апрелдаги 247-қарорининг ўзбек тилидаги матни мавжуд эмас. Бошқа қонун ҳужжатларининг барчаси давлат тилида қабул қилинган. Бунга Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг умумхалқ муҳокамаси портали – regulation.gov.uz сайтида жойлашириладиган лойиҳаларнинг давлат тилидаги матни мавжуд бўлиши шарти кўйилганлиги ҳам катта турткни берди. Шунингдек, ҳужжатларнинг иловаларини фақат рус тилида баён қилиш амалиётига ҳам чек қўйиш керак.

Лингвистик экспертиза

«Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуннинг 22-моддасида Адлия вазирлиги томонидан норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларнинг хуқуқий экспертизаси бошқа турдаги экспертизалар ўтказилганидан кейин амалга оширилиши белгиланган. Бироқ лингвистик экспертизани амалга оширувчи давлат органи мавжуд эмас.

Амалда эса турили идоралар томонидан қабул қилинган норматив ҳужжатлардаги айрим сўзлар бир неча кўринишда кўлланмоқда. Бу, ўз навбатида, қонун ҳужжатларининг турлича кўлланишига ва талқин қилинишига олиб келмоқда.

Хусусан, норматив-хуқуқий ҳужжатларни миллий базага жойлашириш, назорат ҳолатига келтириш ва текшириш жараёнида қатор хато ва камчиликлар аниқланмоқда. Жумладан, ҳужжатларнинг давлат ва рус тилидаги матнлари ўзаро мос келмайди, бир тилда мавжуд хатбоши, банд, кичик банд бошқа тилдагисида мавжуд эмас, матнда бир хатбоши такрорланган, ўз кучини йўқотган ҳужжатларга ўзгартириш, кўшимчалар берилган, киритилаётган ўзгартириш ва кўшимчалар ҳужжатда кўрсатилган жойлашувга мос келмайди, тартиб рақамлар нотўғри берилган, шунингдек, имловий, келишик, эгалик кўшимчалари билан боғлиқ ҳамда техник хатолар ва тиниш белгилари билан боғлиқ услубий, пунктуацион хато ва камчиликлар мавжуд.

Бу каби хато ва камчиликлар, шунингдек, хуқуқни кўллаш амалиётида тушунмовчиликлар келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Адлия вазирлигига хуқуқий экспертизадан ўтказиш билан бир вақтда лингвистик экспертиза ўтказишни ҳам ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.



...хужжатларнинг давлат ва рус тилидаги матнлари ўзаро мос келмайди, бир тилда мавжуд хатбоши, банд, кичик банд бошқа тилдагисида мавжуд эмас, матнда бир хатбоши такрорланган...

Юридик нашрлар билан боғлиқ муаммолар



Кейинги вактларда юридик адабиётлар ва расмий нашрларни тижорат мақсадларида чоп этиб тарқатиш, бунда услубий, имловий ҳамда тиниши белгиларининг ишлатилиши, келишик, эгалик қўшимчалари, замон феъллари нотўғри кўлланиши, ҳарфлар жойлашувига қараб катта ва кичик кўринишида нотўғри берилиши каби қатор хато ва камчиликлар ҳам кузатилмоқда. Бу эса жисмоний ва юридик шахслар, уларнинг вакиллари ҳамда ходимлари, суриштирув, тергов органлари масъуллари, шунингдек, судлар амалиётида инсон тақдири билан бевосита боғлиқ ҳолатларда тегишли моддаларни кўллашда кўпол хато ва камчиликларга йўл кўйилишига сабаб бўлмоқда.

Масалан, «Elmadad» ва «Huquqiy axborot» масъулияти чекланган жамиятлари томонидан **тижорат мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси** китоби чоп этилган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати кенгашининг 2017 йил 30 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қайта нашр қилиш бўйича комиссия тўғрисида»ги 1069-III/КҚ-231-III-қўшма қарорига асосан Конституцияни «Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги» нашр этиши белгиланган.

“

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати кенгашининг 2018 йил 10 августдаги 1895-III/КҚ-391-III-қўшма қарори билан аҳолининг ҳукукий билими ва маданиятини ошириш, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг норма ва қоидаларини мамлакатимиз фуқаролари чукур ўрганиши учун шароит яратиш мақсадида юқорида қайд этилган қарорнинг 4-бандидаги «фақат Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилган.

Бундан ташқари, жамиятлар томонидан нашрнинг **муқовасида давлат гербининг тасвиридан** фойдаланилган.

Ваҳоланки, «Ўзбекистон Республикасининг давлат герби тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасида Ўзбекистон Республикаси давлат гербининг тасвиридан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳуҗжатларининг **расмий нашрларида** фойдаланилиши мумкинлиги, 5¹-моддасида эса Ўзбекистон Республикаси давлат гербининг тасвири туширилган белгилардан ишлаб чиқарилаётган ёки реализация қилинаётган товарларни (ишларни, хизматларни) ўтказиш учун тижорат мақсадларида фойдаланиш мумкин эмаслиги белгиланган.

Бу ҳолатда жамиятлар қайд этилган қонун талабларини бузган.

Мазкур қонуннинг 8-моддасига мувофиқ ушбу қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлиши назарда тутилган.

Энг асосийси, юкорида қайд этилган **қонун ижросини таъминлаш** мазкур қонуннинг 6-моддасига мувофиқ барча даражадаги раҳбарлар зиммасига юклатилган.

Юкорида қайд этилганлар билан бирга:

- биринчидан** – аҳолининг ҳукуқий атамаларни тушунишга бўлган эҳтиёжи, қонулар, турли норматив-ҳукуқий ҳужжатлар матнларидағи ҳамда оммавий ахборот воситаларида тилга олинаЄтан юридик атамаларни ахорлига тушунарли, содда тilda етказишга мўлжалланган «Юридик атамаларнинг ўзбек-ча-русча изоҳли луғати» китобини нашр этишни;
- иккинчидан** – давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда таълимнинг барча босқичларидаги муасасаларнинг ахборот ресурс марказлари ҳамда кутубхоналаридағи ўзбек тилини ўргатишга қаратилган дарслик, кўлланма, изоҳли ва имло луғатлари, сўзлашгичлар ва бошқа турдаги тилга оид адабиётларни инвентаризациядан ўтказиш, улардаги нотўғри қўлланилган сўз ва ибораларни аниқлаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, эскиларини фонdlардан чиқариш ва янги дарсликлар ва луғатларни яратиш бўйича муаллифлар жамоасини шакллантириб, адабиётларни чоп этиш ва фонdlарга киритишини;
- учинчидан** – вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхона ва ташкилотларнинг расмий ҳужжатларини, шунингдек, расмий сайtlаридағи маълумотларни давлат тили қоидалари асосида инвентаризациядан ўтказиб, давлат тили қоидаларига мувофиқлаштиришни;
- тўртингидан** – вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхона ва ташкилотларнинг иш юритувидағи дастурий таъминотлар, курилмалар ва ёрдамчи ускуналарнинг ўзбек тилидаги шаклини яратиш ва маълумотларни киритища имло қоидаларини автоматик тўғрилаш тизимини яратиш, мавжудларини такомиллаштиришни;
- бешинчидан** – ўзбек тили ва адабиёти бўйича мутахассис тайёрлашга ихтисослашган таълим муассасалари, шунингдек, бошқа таълим муассасаларининг ўзбек тили ва адабиёти кафедраларида интернетда ўзбек тилини ўргатишга қаратилган маҳсус сайт, ижтимоий тармоқларда эса маҳсус саҳифаларни яратиш, юритиш ҳамда янгилаб бориш вазифасини юклаш, бунда педагоглар томонидан ўзбек тилини ўргатиш учун турли компьютер ўйинлари дастурлари, онлайн дарсликлар, давлат тилида босма ва электрон луғатлар яратиш, ўзбек тили бўйича ўқув-услубий электрон таъминотни ишлаб чиқиш, илмий-амалий лойиҳаларни тайёрлаш ишларини педюкламага киритиш орқали амалга оширишни;



ОЛТИНЧИДАН – ўзбек тилини ўрганмоқчи бўлганлар учун «Ўзбек тилини ўрганамиз» номли 12 томдан иборат китобни тайёрлаш ва чоп этишини (китоб ўзбек тилини босқичма-босқич, содда тилда ўргатишига қаратилиши, алифбо, ўзбек ҳарфларининг бошқа тилларда талаффуз этилиши, аэропорт, вокзал, дўкон, ошхона, шифохона ва бошқа шу каби зарур жамоат жойларидағи диалоглар, Ўзбекистон тарихи, табиити, худудлари, машхур шахслари билан танишириш бўйича маълумотларни ўз ичига олади) таклиф этамиз.



Шу билан бирга, республикамиздаги жой номлари, кичик туман ва даҳаларнинг номини танлашда айрим ҳолларда хорижий тиллардан фойдаланилган. Бу борада қонунчиликка ўзгаришишлар киритиш ва жой номларини беришда давлат тили қоидаларига риоя этилиши устидан қатъий назоратни амалга ошириш зарур.



«Давлат тили ҳақида»ги ва «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги қонунларда географик номларни танлашда давлат тили қоидаларига амал қилиш тўғрисидағи норма мавжуд эмас. 2005 йилда қабул қилинган «Россия Федерациясининг давлат тили тўғрисида»ги федерал қонунда мамлакатнинг бутун худуди учун давлат тили ҳисобланган рус тили давлат органлари иш юритви ва уларнинг номларида, судларнинг иш юритвида, расмий хужжатлар қаторида географик номларни танлашда ҳам давлат тили қоидаларига амал қилиш кўрсатилган.

Хорижий тажрибадан сўзласак

Равшан НУРМАТОВ,

Сардорбек АВЕЗОВ,

Адлия вазирлиги ҳузуридаги

Ҳукуқий сиёсат тадқиқот институти
масъул ходимлари

- **Францияда** 1994 йилда қабул қилинган Тубон қонунида давлат ташкилотлари томонидан истисносиз француз тилида иш юритилиши, атамаларнинг французча муқобили турганда бошқа тилдагисини ишлатиш тақиқланиши қатъий белгилаб қўйилган. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари, киносаройларда фильмлар намойиши ва рекламаларда француз тили қоидаларига тўлиқ риоя қилиниши белгиланган.

«Поляк тили тўғрисида»ги қонунга кўра, меҳнат муносабатларида тарафлардан бири **Польша** ҳудудида доимий яшовчи шахс бўлган ҳолларда иш поляк тилида юритилади. Яъни, мамлакатда фаолият юритадиган хорижий корхоналарда биттагина Польша фуқароси ёки Польша да доимий яшовчи шахс ишласа, бу корхонада давлат тили тўғрисидаги қонун талабларига риоя қилиниши керак.

2002 йил 30 сентябрда қабул қилинган «Озарбайжон Республикасида давлат тили тўғрисида»ги қонунда Озарбайжоннинг ҳар бир фуқароси давлат тилини билишга мажбурлиги, озарбайжон тили мамлакат сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, илмий ва маданий ҳаётининг барча жабхаларida давлат тили сифатида қўлланиши назарда тутилган.

Хизмат кўрсатиш соҳасида, реклама ва эълонлар беришда давлат тили қўлланади. Хорижий давлат фуқароларига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишларда эса давлат тили билан бир қаторда бошқа тиллар ҳам қўлланиши мумкин. Бунда хорижий тилдаги реклама ёки эълон эгаллаган майдон унинг давлат тилида берилган шаклидан катта бўлмаслиги ва бундай эълонлар уларнинг озарбайжон тилидаги шаклидан сўнг жойлаштирилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, ушбу қонунда **Озарбайжон Республикасида** ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг номи ва улардаги ёрликлар, шунингдек бошқа ёзувлар хорижий тил билан бирга давлат тилида ҳам бўлиши кераклиги, мамлакат ҳудудига импорт қилинаётган маҳсулотларнинг номи ва улардаги ёрликлар, йўриқномалирининг озарбайжон тилидаги таржимаси бўлиши шартлиги келтириб ўтилган.

Озарбайжон тилининг орфография ва орфоэпия қоидалари ижро этувчи ҳокимият органи томонидан тасдиқланиши, юридик, жисмоний ва мансабдор шахслар мазкур қоидаларга қатъий амал қилишлари лозимлиги, ҳар беш йилда бир марта масъул орган томонидан ёзма тил қоидаларини ўз ичига олувчи лугат (имло лугати) нашр этиб борилиши белгиланган.



Озарбайжон тилининг орфография ва орфоэпия қоидалари ижро этувчи ҳокимият органи томонидан тасдиқланиши, юридик, жисмоний ва мансабдор шахслар мазкур қоидаларга қатъий амал қилишлари лозимлиги белгиланган.



Грузияда 2015 йил 22 июлда қабул қилинган «Давлат тили тўғрисида»ги қонунда оммавий хизматчилар (яъни, давлат хизматчилари, депутатлар, жамоат ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари сингари) давлат тилини билиши шартлиги кўрсатиб ўтилган. Қонунчилик ташаббуси билан Грузия парламентига киритилаётган қонун лойиҳалари ва таклифлар грузин тилида тақдим этилади. Барча фуқаролар давлат идоралари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлари билан давлат тилида муомала қилишлари шарт. Яъни, фуқароларнинг мурожаат ва ёзишмалари давлат тилида бўлиши талаб қилинади.

Шунингдек, ушбу қонунда давлат тилини ҳимоя қилиш кафолатларига алоҳида боб ажратилган бўлиб, унда давлат грузин тилини ҳимоя қилиши, барча давлат органлари ва маҳаллий идоралари давлат тилининг ривожи ва соғлиги учун жавобгар эканлиги белгилаб қўйилган.

Қозогистон Республикасининг давлат тили тўғрисидаги қонунчилигига кўра, давлат тили қозоқ тили бўлиб, давлат тили – давлат бошқаруви, қонунлар, суд ишларини юритиш, иш юритиш тилидир, бутун давлат ҳудудида ижтимоий муносабатларнинг барча соҳаларида амал қилиши, давлат тилини билиш Қозогистоннинг ҳар бир фуқаросининг бурчи ва вазифаси эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Таклифлар

Хорижий давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда давлат тилини такомиллаштириш юзасидан қўйидагилар тақлиф қилинади:

- 1.** Давлат хизматчилари, депутатлар, оммавий ва бошқа бир қатор қасб эгалари учун давлат тилини билиш мажбурийлигини қонун билан мустаҳкамлаш ҳамда давлат хизматчиларини давлат тили бўйича имтиҳондан ўtkазиш амалийтини жорий этиш;
- 2.** Давлат ва ҳўжалик бошқарув органлари, маҳаллий ҳокимият органлари томонидан норматив-хуҷуқий хужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда атамаларнинг ўзбекча муқобили турганда бошқа тилдагисини ишлатиш тақиқланишини қатъий белгилаб қўйиш;
- 3.** Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларида иш, ҳисоб-китоб, статистика ва молия ҳужжатларини давлат тилида юритишни шарт қилиб, заруриятга қараб бошқа тилларга таржима қилинишини белгилаш;
- 4.** Хорижий тilda берилган реклама ёки эълонлар уларнинг ўзбек тилидаги шаклидан сўнг жойлаштирилиши лозимлигини белгилаш;
- 5.** Давлат хизматчиларининг давлат тилини билиши шартлигини назарда тутиш.

Ўзбек миллий юридик тили

Шуҳрат КЎЧИМОВ,
филология фанлари доктори, профессор;

Қодиржон МЎЙДИНОВ,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

- Бугунги кунда жаҳон илм-фанининг бир фан доирасида эмас, балки фанлараро йўналишда ривожланаётганлигидан келиб чиқсан ҳолда, мамлакатимизда хуқуқ ва тил, уларнинг ўзаро муносабати, бу масалаларнинг жамият ҳётига таъсири каби муаммоларни ўрганиш мухим аҳамият караб этмоқда. Бинобарин, бу шундай мураккаб жараёнки, уни чуқур илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этмасдан ҳамда ўзбек миллий юридик тилини такомиллаштиришининг илмий асосларини ишлаб чиқмасдан туриб, бу вазифани амалга ошириш анча мураккабdir. Шунга кўра, хуқуқ ва тил ўртасидаги муносабатлар, хуқуқнинг ривожида тилининг қандай вазифаларни бажариши, тил тараққиётida хуқуқнинг тутган ўрни аниқланади. Шунингдек, юридик тил, қонунчилик услубияти, юридик терминларни хуқуқ ва тил фанлари билан алоқадор алоҳида бир соҳа сифатида ўрганиш, уни илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш зарур.

Бундан ташқари:

Ўзбек юридик терминларининг ягона ифода шаклларини ишлаб чиқиш ва барқарорлаштириш юзасидан тавсиялар беришни, хуқуқий амалиётда қонунчилик услубиятини маҳсус бир соҳа сифатида шакллантиришни, қонунларнинг қонунчилик техникаси талабларига қай даражада жавоб беришини назарий жиҳатдан аниқлаш ва бу соҳадаги муаммоларни кўрсатиш лозим.

Мамлакатимиз хуқуқшунослик ва тилшунослик фанлари тизимида ҳозирги кунда жаҳон илм-фанида «юрислингвистика» деб номланётган янги маҳсус бир фанлараро илмий йўналишга асос солиши ва уни ўрганиш юзасидан хулоса ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилмоқда.

Юридик соҳага бошқа тиллардан терминлар кириб келиши ёки ички имкониятлар асосида янги юридик терминнинг ясалishi натижасида ҳам тил бойиб боради ва янги хуқуқий тушунчалар юзага келади. Бу тушунчалар билан бирга янги сўз ва терминлар ҳам тилинг лексик қатламига кириб келади. Жумладан, кейинги пайтда хуқуқий соҳада маъмурӣ ҳудудий тузилма, суднинг сайдер мажлиси, одил судлов, муаллифлик хуқуқи, гумон қилинуви,

«Соҳиби қонуннинг ҳар бир турӯх одамларга мурожаати тушунарли бўлиши лозим. Бунинг учун қонун чиқарувчи одамларнинг идрок этиш имкониятларини ҳисобга олиши керак, токи одамлар уни тушунсинлар. Чунки одамларга бирор нарсани тушуниш ва амалда кўллаш қишин бўлиши мумкин. Тушунмовчилик бундай соҳиби қонундан воз кечишига турткӣ ва ағдариб ташлашга сабаб бўлиши мумкин».

Абу Наср Форобий



қилмиш, қонун устунлиги, миллий-хуқуқий тизим, миллий-хуқуқий қонунчилек каби юридик терминлар тилимизга кириб келди.

Бундан ташкари, хуқуқ бошқа соҳаларга нисбатан ижтимоий хаётда анча оммалашган. Инсон бошқа соҳаларга (тибиёт, математика, физика кабиларга) маълум бир вақтдагина мурожаат этади, у шу соҳа тилида ўша вақтнинг ўзиғигина гаплашади. Шунга кўра бу соҳаларга кириб келган янги сўз ва иборалар деярли шу соҳадагина қўлланниб, ҳалқнинг орасида юридик терминларчалик оммалашив кетмади. Шу нуқтаи назардан бошқа соҳаларга нисбатан хуқуқ тил ривожида асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қиласди. Шундай қилиб, хуқуқ тил ривожида икки энг муҳим вазифани: биринчидан, тил ривожи учун хуқуқий пойдевор, иккинчидан, тил луғат бойлигининг бойиш манбаларидан бири вазифаларини бажаради.

“

«Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида»ги қонуннинг 20-моддасида «Қонун лойиҳасидаги қоидалар аниқ ва равшан бўлиши лозим» дейилади. «Ўзбекистон Республикаси норматив-хуқуқий ҳужжатлари тўғрисида»ги қонуннинг 19-моддасида: «Норматив-хуқуқий ҳужжатнинг матни лўнда, оддий ва равон тилда баён этилади. Норматив-хуқуқий ҳужжатда фойдаланиладиган тушунчалар ва терминлар уларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида қабул қилинган мазмунига мувофиқ турлича шарҳлаш имкониятини истисно этадиган тарзда бир хилда қўлланилади. Эскирган ҳамда кўп маънени англатадиган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, киноялар қўлланилишига йўл қўйилмайди», – дея таъкидланади.

Шарқнинг буюк мутафаккири Абу Наср Форобий «Афлотун қонунлари моҳияти» номли асарида қонунларнинг мазмун ва моҳияти тўғрисида шундай ёзди: «Соҳиби қонуннинг ҳар бир гурӯҳ одамларга мурожаати тушунарли бўлиши лозим. Бунинг учун қонун чиқарувчи одамларнинг идрок этиш имкониятларини хисобга олиши керак, токи одамлар уни тушунсинлар. Чунки одамларга бирор нарсани тушуниш ва амалда қўллаш қийин бўлиши мумкин. Тушунмовчилик бундай соҳиби қонундан воз кечишига турткি ва ағдариб ташлашга сабаб бўлиши мумкин».

Шундай экан, бутунги кунда юридик тил масаласида, тил ва хуқуқ доирасида илмий тадқиқотлар олиб борилса яхши бўларди. Мазкур тадқиқотлар бир вақтнинг ўзида ҳам юридик, ҳам лингвистик билимларни талаб қиласди. Хуқуқий ва лингвистик билимлардан етарлича хабардор бўлмаслик натижасида иш юритиш ҳужжатларини аниқ, содда, тушунарли тарзда ёзиш керак деган умумий фикрдан нарига ўта олмаймиз. Ўз навбатида, тилшунослар ҳам юридик билимларни яхши билмаслиги сабабли қонунлар ҳужжатларини ёза олмайдилар. Юридик тилини хуқуқшунос ҳам, тилшунос ҳам ўрганиши мумкин, лекин уларнинг тадқиқот обьекти турлича бўлади. Хуқуқшунос қонунларнинг хуқуқий жиҳатларига эътибор қаратса, тилшунос норматив-хуқуқий хуқуқ

Хуқуқ тил ривожида икки энг муҳим вазифани:
биринчидан, тил ривожи учун хуқуқий пойдевор,
иккинчидан, тил луғат бойлигининг бойиш манбаларидан бири вазифаларини бажаради.

жат матнининг лексик-грамматик жиҳатларини таҳлил этишга киришиб кетади. Агар шу норматив ҳукуқий ҳужжат матни бир мутахассис томонидан лингво-юридик билим доирасида ўрганилса, бундай ҳужжат юқори сифатга эга бўлишига шубҳа йўқ.

Мамлакатимида юридик тил ва юридик нутқ масалаларини тақомиллаштириш, бу соҳани ривожлантириш, тил ва ҳукуқ, юридик тил ва юридик нутқ назарияси билан боғлиқ илмий тадқиқотларни рағбатлантириш ҳамда шу соҳада етук малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида «юрислингвистика» деб номланган янги илмий йўналишини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Бу:

биринчидан, юридик тил ва юридик нутқ назарияси тараққиёти учун катта замин ҳозирлайди;

иккинчидан, мамлакат қонун ижодкорлиги фаолиятиning такомиллашуви учун хизмат қиласди;

учинчидан, ҳар жиҳатдан етук ҳукуқшунос кадрларни тайёрлаш учун асос яратилади;

тўртингидан, лингвистик экспертиза бўйича мутахассис тайёрлаш учун замин ҳозирлайди.

Ҳукуқий ва лингвистик билимлардан етарлича хабардор бўлмаслик натижасида иш юритиши ҳужжатларини аниқ, содда, тушунарли тарзда ёзиш керак деган умумий фикрдан нарига ўта олмаймиз.

Масаланинг моҳиятидан келиб чиқкан ҳолда «юрислингвистика» деб номланган йўналишининг ўрганиш обьектига қўйидаги масалаларни киритиш мумкин:

- Юридик тил, юридик нутқ, конунчилик тили ва услубиятига оид таклифларни ўрганиб, назарий фикрларни умумлаштириб, такомиллаштириб бориш;
- Юридик соҳа тили ва нутқини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш орқали миллий юридик тил моделини яратиш;
- Юридик соҳа терминларини илмий асосда ўрганиш натижасида таклифлар бериш;
- Фикрни ифодалаш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш (фикрни аниқ, қисқа, тушунарли, мантикий изчил, ўзбек тилида тоза ифодалаш усулларини аниқлаш);
- Тил ва таржима масалалари билан шуғулланиш;
- Ҳукуқшунос ҳамда тилшунос олимларнинг ҳамкорлигини йўлга қўйиш орқали ҳар иккала соҳага оид фундаментал илмий тадқиқотлар олиб бориш мумкин.



Реклама фаолиятида «Давлат тили ҳақида»ги қонун талаблариға риоя этиш масалалари

Шерзод МАХАМАДАЛИЕВ,

Монополияга қарши курашиб қўмитаси
хузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя
қилиш агентлиги Реклама фаолиятини тартибиға
солиш бошқармаси бошлиғи



– Агентлик томонидан мамлакатимизда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, шу билан бирга давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш чоралари кўриб келинмоқда.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги томонидан «Реклама тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилиб, 2019 йил 12 октябрда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилган.

Маълумки, «Реклама тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасига асосан Ўзбекистон ҳудудида реклама Ўзбекистоннинг давлат тилида ёки реклама берувчининг хошигига кўра бошқа тилларда тарқатилади. Белгиланган тартибида рўйхатта олинган товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари), босма усуlda терилган бўғинли белгилар (логотиплар) асли қайси тилда бўлса, шу тилда келтирилиши мумкинлиги белгиланган.

Таъкидлаб ўтилган қонуннинг 20-моддасида қонун, белгилар эълонлар, нархлар ёрликлари ва бошқа визуал, шунингдек оғзаки маълумотлар давлат тилида тузилади ва эълон қилинади ва қўшимча равища бошқа тилларда такорланиши мумкинлиги белгиланган.

Республикамида рўйхатга олинган оммавий аҳборот воситаларининг 13 фоиздан ортиғи бошқа тилларда

фаолият юритади.

«Давлат тили тўғрисида»ги қонуннинг 16-, 17-моддаларига мувофиқ давлат тилида, шунингдек бошқа тилларда ҳам кўрсатувлар олиб борилмоқда (16-модда). Шу билан бирга, нашр қилиш давлат тилида ва эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда бошқа тилда амалга оширилади (17-модда).

Шундан келиб чиқиб, чекловлар жорий этилиши, яъни рекламаларнинг давлат тилида тарқатилиши бошқа тилларда фаолият юритадиган оммавий ахборот воситаларига таъсир қиласади.

Масалан, республикамида рўйхатга олинган оммавий ахборот воситаларининг 13 фоиздан ортиги бошқа тилларда фаолият юритади.

Жумладан, республикада фақат рус («Правда Востока»), тожик («Овози тоҷик»), қозоқ («Нурлы жол»), туркман («Мекан»), инглиз («Business Partner») ҳамда бошқа тиллардаги босма оммавий ахборот воситалари мавжуд.

Шу муносабат билан ҳамда хорижий давлатларнинг тажриба-си асосида янги қонун лойиҳасида реклама тилига оид бир қатор нормалар киритилди.


2019 йилда «Реклама тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Вазирлар Махкамасига тақдим этилган.

Ўзбекистон ҳудудида реклама Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида тарқатилади ва таржимаси қўшимча равишда бошқа тилларда такрорланиши мумкин.

- Бунда reklamaniнг бошқа тиллардаги таржимаси унинг давлат тилидаги асосий маъносини бузмаслиги;
- ташқи реклама орқали жойлаштириладиган reklamaniнг бошқа тиллардаги таржимаси матни давлат тилида берилган матнининг пастки қисмида горизонтал ҳолатда жойлаштирилиши ва умумий реклама майдонининг 10 фоизидан ошмаслиги;
- босма нашрларда ва интернетда жойлаштириладиган reklamaniнг бошқа тиллардаги таржимаси матнли, аудио ва видео форматдаги умумий реклама майдонининг 10 фоизидан ошмаслиги;
- теле ва радиоканалларда тарқатиладиган reklamaniнг бошқа тилларда бериладиган таржимаси кунлик умумий реклама ҳажмининг 20 фоизидан ошмаслиги керак.

Юқоридаги талаблар қўйидагиларга татбиқ этилмайди:

- фақат бошқа тилларда фаолият юритадиган радио эшилтириш ва теледастурлар, босма оммавий ахборот воситалари, интернет жаҳон ахборот тармоги ресурсларига;
- хорижий тилларда тарқатилган телекўрсатувлар олдидан, кейин ва кўрсатув давомида ҳамда босма оммавий ахборот воситалари ва интернет жаҳон ахборот тармогида олдин, кейин ва ичida хорижий тилларда жойлаштирилаётган reklamаларга;
- белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари), босма усуlda терилган бўғинли белгилар (логотиплар)га.
- Янги қонунга кўра, Ўзбекистон ҳудудида реклама фақатгина давлат тилида, яъни ўзбек тилида тарқатилади ва қўшимча равишда ушбу реклама мазмунининг таржимаси бошқа тилларда такрорланиши мумкин бўлади.



«Она тилим, сен борсан, шаксиз...»

Олимларимизнинг фикрича, ўзбек тилининг илк илдизлари эрамиздан аввалги X асрга бориб тақалади. Энг қадими ёзма манбалардан бири — шумер тилида битилган «Гилгамеш» достонида ҳам туркий тиллар, жумладан, ҳозирги ўзбек тилидаги 300 га яқин сўз ва бирикмалар учрайди. Оз, ёз, эр, қиз, буз, күш, қош сингари сўзларимиз ўттиз-қирқ аср илгари ҳам ҳозирги кўринишда ишлатилган.



Қадимги ўзбек тили шарқда Хитой, фарбда Литва князлиги, шимолда Олтин Ўрда, жанубда Мисрнинг кўп худудларида мулоқот воситаси ҳисобланган. Хитойнинг Цин империяси (1644-1911 й.) даврида Хэбэй вилоятидаги Ёзги тоғ саройининг дарвозасида хитой, мӯғул, манчжур, тибет қаторида чигатой тилидаги битик ҳам бор. Империянинг асосий дарвозаси пештоқида соғ туркий тилда настальиқ хатида «Равшан: ўртадаги дарвоза» деб ёзилган. Чунки чигатой тили Цин империясида мумомаладаги бешта муҳим тилнинг бири бўлган.

2012 йилда Миср миллий кутубхонасида Алишер Навоийнинг ўғуз лаҗжасида битилган қадимий девони топилган. Мазкур девон эхромлар юртидан топилган ilk туркий манба эмас. Буюк ўзбек шоири Сайфи Саройи умрининг охирига қадар Мисрда яшаб, ўзбек тилидаги бир қатор шеъру достонларини яратган. Туркий адабиётнинг ёрқин вакили Юсуф Хос Ҳожибининг «Кутадгу билиг» достони ҳам айнан Қоҳира кутубхонаси ертёласидан топилган.

2006 йилда бир гуруҳ ҳамкасларимиз билан Мисрда бўлган эдик. Қоҳирадаги қадимий Хон ал-Ҳалилий бозорида бир дўконга кирдик.

— Сувенирнинг нархи йигирма фунт экан, — деб шерикларимдан бири каминага юзланди. — Сотувчидан сўраб кўринг, ўн фунтга бермасмикин?

— Майли, сиз ўн беш фунт бера қолинг! — деди кутилмагандага бизни кузатиб турган сотувчи ўзбек тилида.

Биз ҳанг-манг бўлиб қолдик. Очиги, олис бир юртда она тилингда бир калом қулогингга жуда лазиз эшитилади. Сотувчининг айтишича, унинг ота-боболари асли туркестонлик бўлиб, анча иyllлар бурун Мисрга келиб, шу ерда ўрнашиб кетишган экан.

Ҳозир Қоҳира марказида Ўзбекия деган тарихий маҳалла, шу ном билан аталадиган кўча, масжид, театр ва боғ бор. Шунингдек, Суриянинг Дамашқ, Ҳалаб шаҳарларида ҳам тарихий ўзбек маҳаллалари «ал-Ўзбакия» номи билан машҳур. Бир сўз билан айтганда, Яқин Шарқ давлатларида ўзбеклар яшайдиган мавзелар кўп.

Эски ўзбек тили асрлар давомида нафақат мусулмон мамлакатлар, балки Европанинг ҳозирги Литва, Украина, Полша худудларига қадар кириб борган. Шарқий Европа худудида яшаган, туркийлашган поляк, арман ва литваликлар ўзаро мулоқот тили сифатида қипчоқ лаҗжасидаги эски ўзбек тилидан фойдаланган, ҳатто шу тилда ибодат қилиб, дуо ўқиган.

1618 йилда Лвовда босма усулда чоп этилган «Олқиши битиги»
китобидан олинган қуидаги парчага эътибор беринг:

«Бермагин бизни синамоглиға,
Йўхса қутқар бизни ёмондан,
Зеро, сенингдур хонлик-да, қувват-да,
Сенга ҳайбат мангулик...»

Амир Темур бобомиз ҳам ҳукмронлик йиларида асосий фармон ва қарорлар, келгуси авлод учун яратилган тошбитикларни эски ўзбек тилида битишга кўрсатма берган. «Темур тузуклари» асарининг илк нусхаси ҳам она тилимизда битилган. Буюк соҳибқирон томонидан 1391 йилда Олтин Ўрда хони Тўхтамишга қарши юриши чоғида ҳозирги Қозогистоннинг Қарағандада вилояти ҳудудидаги Улуғтоғ этакларида тошда битиб қолдирилган битигида она тилимиз ўша даврда қанчалик тоза ва жозибали бўлганини кўриш мумкин:

«Тарих етти юз тўйсон учинда, қўй йили ёз ойи ораси Туроннинг султони Темурбек уч юз минг черик била ислом учун Тўхтамишхон – Булғор хонига (қарши) юрди. Бу ерга етиб, белги бўлсун деб бу ўбани қўпорди. Тангри нусрат бергай, иншоаллоҳ. Тангри эл кишига раҳмат қилғай, бизни дуо била ёд қилғай».


Шоҳруҳ Мирзо, Бойсункур Мирзо, Султон Халил, Мирзо Улуғбек сингари темурий ҳукмдорлар ҳам она тилимиз ривожланишига катта ҳисса кўшган. Ҳусусан, Султон Абусаид Мирзонинг 1469 йилда оққўюнлилар ҳукмдори Узун Ҳасанга йўллаган номаси ўзбек тили туркӣ давлатлар

ва сулолалар ўртасида асосий мuloқot воситаси бўлганини кўрсатади:

«...Энди сен доги билурсенки, улус эгаси Темурбек тамом мамоликни забт қилиб улашгонда, Табриз таҳтини менинг отам Мироншоҳ Мирзога бергондурур. Сенга доги маълумдурки, ота юрти ўз юрт бўлур».

Алишер Навоий бобомизнинг ўзбек тили тараққиетига кўшган улкан ҳиссаси ҳақида эса ҳар қанча гапирсак шунча оз. Тошкентда сўз султонининг ҳаёти ва ижодига бағишилаб ўтказилган бир анжуманда туркиялик таниқли олим «модомики, бугун дунёнинг қайси бир чеккасида туркӣ тилдаги қалом янграп экан, бунинг учун шу тилда сўзловчи ҳар бир инсон ҳазрат Навоийдан миннатдор бўлмоғи керак» деб айтган эди. Фикри ожизимизча, бу ҳазрат Алишер Навоийга берилган энг тўғри ва адолатли баҳолардан бири. Бетакрор мутафаккир ўзининг бой мероси билан ўзбек тилининг бошига тиллардан устун эканини амалда кўрсатиб берди. Зоро, Алишер Навоийнинг ўзбек тилидаги сермаҳсул ижоди сабаб она тилимиз бугун нафақат адабиёт, балки давлат тили миқёсига чиқди.

«Турк назмида чу мен тортиб алам,
Айладим ул мамлакатни яққалам»,



— деб битган эди улуг шоир «Лисон уттар» достонида ифтихор билан. Алишер Навоий бетакрор «Хамса»си орқали тилимизнинг латофатини яққол исботлаган бўлса, «Муҳокамат ул-лугатайн» асарида туркий тилнинг афзал жиҳатларига ургу бериб, ўзга тилни афзал билган шоиру фозиллар ҳақида шундай деган эди:

«Бу халқ орасидин пайдо бўлғон табъ аҳли салоҳият ва табъларин ўз тиллари турғоч, ўзга тил била зоҳир қиммаса эрди ва ишга буюрмасалар эрди. Ва agar иккаласи тил била айтур қобилиятлари бўлса, ўз тиллари била кўпрак айтсалар эрди, ва яна бир тил била озроқ айтсалар эрди...»

Она тилимиз мансуб бўлган туркий тиллар оиласига 30 дан ортиқ тил киради ва уларда ер юзида 250 миллиондан ортиқ киши сўзлашади. Дунё миқёсида ўзбек тилида гаплашувчиларнинг умумий сони эса 50 миллион атрофида. Microsoft компанияси томонидан чиқарилган Enkarta электрон энциклопедиясининг 2009 йилдаги маълумотларига таянсак, ўзбек тили сўзлашувчилар сони бўйича дунёда 41-йринда туради. Бироқ мазкур маълумотда ўзбек тилида сўзлашувчилар сони 20 миллион кишидан сал кўпроқ экани кўрсатилган. Айни пайтда дунёда ўзбеклар сони бундан икки ярим баробар кўп.

2019 йил 21 октябрь куни Президентимиз «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқенини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

Унга кўра «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинган кун — 21 октябрь санаси юртимизда «Ўзбек тили байрами куни» сифатида нишонланадиган бўлди.

Ўзбек тилининг ўз куни, ўз байрамига эга бўлиши жуда қувонарли ҳодиса.

Халқаро тажрибага назар соладиган бўлсан, турли мамлакатларда, шу жумладан, 20 апрель – хитой, 15 май – форс, 6 июнь – рус, 1 август – озарбайжон, 26 сентябрь – турк, 12 октябрь – испан, 9 декабрь – италян, 18 декабрь – араб тили куни сифатида нишонланади.

Эндилиқда бутун дунёда яшовчи ўзбеклар 21 октябрь санасини ўзбек тили куни сифатида нишонлаш имконига эга бўлди. Бу, таъбир жоиз бўлса, минг-минг йиллик тарихга эга бўлган тилимизнинг, бу тилда сўзлаб, бебаҳо дурдоналар яратган боболаримизнинг, дунёning турли

Демак, она тилимизда ҳам шунча миллатдошларимиз сўзлашади.

Ўзбек тили давлат тили мақомига эга бўлған 100 га яқин тилларнинг бири ҳисобланади. Агар дунёда 7000 га яқин тил ва лаҳжа мавжудгини эътиборга олсан, бу ёмон кўрсаткич эмас. Ҳолбуки, дунёда давлат тили мақомига эга бўлмаган, аммо юз миллионлаб кишилар сўзлашадиган тиллар ҳам бор.

Ўзбекистон Республикаси Президенти БМТ Бош ассамблеясининг 75-сессиясида ўзбек тилида нутқ сўзлагани она тилимизнинг халқаро миқёсдаги мавқенини мустаҳкамлаш йўлида яна бир қадам бўлди.

Давлат тили унинг барча рамзлари каби мукаддас саналади. Яқинда кучга кирган янги тартибга кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олишни истаган шахс давлат тилини лозим даражада билиши кераклиги белгилаб кўйилди. Бу тартиб дунёning кўплаб давлатларида жорий қилинган. Кўшини ва қардош халқларнинг давлат тили ҳақидаги қонун ҳужжатларида ҳам ҳар бир фуқаро учун давлат тилини билиш шарт этиб белгилаб кўйилган.


Нуқталарида яшаётган миллатдошларимизнинг байрами, не-не миллат қаҳрамонларининг қони ва жони эвазига қўлга киритилган ҳақиқат тантанасидир.

**Рустам ЖАББОРОВ,
Адлия вазириллиги масъул ходими**



Аҳоли мурожаатлари

жамиятнинг саводхонлик даражасини
кўрсатувчи индикаторлардан бири



Аҳоли мурожаатлари муайян худуд ёки соҳада давлат органлари, мансабдор шахсларнинг фаолияти самарадорлигини, уларга нисбатан аҳоли муносабатини акс эттирувчи омил экани ҳақида тез-тез сўз юритилади, таҳлиллар қилинади. Бироқ бундай тушунча ва ёндашувлар, бизнингча, мурожаатлар асосида юзага келадиган муҳим хуносаларни тўла ифода этмайди.

Мурожаатлар билан ишлаш асносида келгисидаги ишларни режалаштириш, ижтимоий муносабатларни норматив-хукукий тартибга солиш тизимини такомиллаштириш, хато ва камчиликларни ўз вақтида түғрилаш, ахоли ижтимоий кайфиятини кузатиб бориш каби йўналишларда таҳлиллар қилиш, илмий-амалий хуносалар чиқариш мумкин.

Шундан келиб чиқиб, жисмоний ва юридик шахслар томонидан йўлланаётган муро-

жаатларда тил қоидаларига қай даражада риоя этилаётгани, мавжуд муаммолар ҳамда уларнинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилди, илмий-амалий хуносалар ишлаб чиқилди.

Табиийки, мурожаатларда тил қоидаларига риоя этилиши уларда кўтарилган масалаларнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ тушуниш ва муаллифнинг руҳий-психологик ҳолатини чукурорқ ҳис қилиш имконини беради.

Давлат органларига кейинги уч ярим йил давомида келиб тушган мурожаатлар билан ишлаш амалиётини илмий-амалий таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, кўп ҳолларда мурожаатлар муаллифлари матн ёзишда қўйидаги камчиликларга йўл қўймоқда:

мурожаатлар матни кўплаб имловий хатолар билан ёзилмоқда (қўйидаги сўзлар мурожаатлар матнида жуда кўп қўлланади ва аксарият ҳолларда имловий хато билан ёзилади: **ассалому алайкум** (ассалому алейкум, ассалому алайкўм), **ҳокимият** (хокимият), **мақсад** (маҳсам), **оила** (оїла), **шароит** (шаройит), **виртуал** (вертувал, вертуул), **мурожаат** (мурожат), **телефон** (телефон, телфон), **имтиёз** (имтийоз), **кредит** (кридит), **раис** (раиис), **комиссия** (камиссия), **онлайн** (онлайн), **хонадон** (хонодон), **контракт** (кантрак), **қоида** (қойда), **лоиҳа**;

мурожаатлар матнида тавтологиялар кўплаб учрамоқда («уй қуриб **берилишига** амалий ёрдам **беришингизни сўрайман**», гап тузишда қўшимчалар нотўғри («**менинг қишлоғимизда**», «**бизни маҳалламизга**», «**ҳаммани олдида**») ва тушунчалар (атамалар) турлича қўлланмоқда (умумтаълим мактаби – мактаб, мактабгача таълим мұассасаси – боғча, карты – пластик карты – пластик, фуқаролик паспорти – паспорт), истеъмолдан чиқиб кетган атамалардан асосан ёши катталар фойдаланмоқда («олий совет», «совхоз»);

чет эл фуқароларидан таржимон ёрдамисиз тушуниш мушкүл бўлган турли тилларда (француз, немис, араб, турк, хитой, итальян ва ҳоказо) мурожаатлар келмоқда (бўндаи ҳолатларда мурожаатлар билан ишлаш қай тартибда амалга оширилишини назарда тутувчи механизмлар мавжуд эмас, амалиёт ҳам турлича);

матнни ихчам ва лўнда ёзиши мумкин бўлса-да, муаллифлар мурожаатларга зарурати бўлмаган ҳолда ҳам ҳаддан ташқари кўп маълумотлар киритишини, матнни катта ҳажмда (асосан суд-хуқуқ соҳасига доир мурожаатларда) баён этишига ҳаракат қилишмоқда. Айрим мурожаатлар ҳатто 40-50 саҳифани ташкил қилмоқда;

мурожаатлар матнида шевага хос сўзлардан фойдаланилмоқда (бундай ҳолатлар асосан Тошкент шаҳри, Хоразм, Наманган, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари аҳолисидан келиб тушган мурожаатларда кузатилмоқда. Масалан, «мурожаат қиомман», «ҳич нарса бомади», «уй берилмиди диг этишиши» – Тошкент шаҳри; «етира олмадик», «захкаши», «қвартирама-қвартира» – Хоразм вилояти туманлари, «менинм илтимосим», «олиб тайлабди» – Самарқанд, Қашқадарё ва ҳоказо);

қўлда тушунарсиз ҳолда ёзилиб почта ёки веб-сайт орқали юборилган (бириктирилган) айрим мурожаатлар маъсулларга уларнинг мазмун-моҳиятини тушунишда қийинчилек туғдирмоқда.



Масалан:

Слово вене да е от някои от
тези десет десетки.
Оно е със къмпанията
настъпват грижи за изграждане
на всички видове обекти.

Судя по всему — вагон
один из которых Краснодар
вывез Краснодарской машиной
как будто из них вагон
(вагонов) № 100 — 100
вагонов № 100 — 100

Биз «оддий хато»лар хусусида тұхталиб ўт-дик, холос. Ачинарлеси, шундай мурожаатлар ҳам борки, уларни ўқығанда, түрли тухмат ва маломатлар, ҳақоратли ва уятли сўзлар, мантиқ-сиз гапларни кўриб, айрим юртдошларимизда мурожаат маданияти етишмайдиганига амин бўлишимиз мумкин. Энг ёмони шундаки, айримлар томонидан оила аъзолари, кўни-кўшилар орасидаги шахсий муаммолар ҳам «ташқарига» олиб чиқилаётгани азалий қадриятларимизга, халқимизга хос бўлган ор-номус, ғурур, андиша сингари фазилатларга соя солмоқда.

Үз ўрнида таъкидлаш лозимки, давлат орғанлари ва ташкилотлари томонидан мурожаатлар юзасидан фуқароларга юборилаётган жавоб хатларини ҳам камчиликлардан холи деб бўлмайди. Хусусан, жавоб хатларида кўплаб имловий хатоларга йўл қўйилаётгани, гаплар сунъий равишда мураккаб тузилаётгани (*ушбу амалиёнт жавоб хатлари мазмунини тушунишда мурожаатчиларга қийинчлик туғдиради*), бир ма-салада бўйича берилган тушунтиришлар ижрочи

органдар томонидан турлича баён этилаётгани, айрим ҳолларда жавоб хатларида мурожаатларда кўтарилигган масалани ҳал этиш имкони йўқлигига энг юқори даражада қабул қилинган норматив-хукукӣ ҳужжатлар сабаб қилиб кўрсатилаётгани (бизнингча, бундай ёндашув ахоли уртасида муаммолар гўёки ушбу ҳужжатлар қабул қилиниши туфайли пайдо бўлмоқда деган нотўғри фикр шаклланishiга сабаб бўлиши мумкин) каби ҳолатлар ҳам учрамоқда.

Шунингдек, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуннинг 27-моддасида мурожаатларга жавоблар **мумкин** қадар мурожаат этилган тилда баён қилиниши белгиланган. Бироқ амалиётда фуқароларимиздан бошқа тилларда келиб тушаётган мурожаатларга ушбу тилларда жавоб хати тайёрлаш ижрочилар учун (*агар жавоб хатлари давлат тилида берилса, муаллифларга ҳам*) қийинчилик туғдиримоқда. Шу сабабли, фикримизча, қонунга муаммонинг ечимига қаратилган ўзгартиришлар киритилиши мақсадга мувофиқ.



Яңа интегративтік
хизметтердің порталы

Барна хизметтер > Портал хеңде > ⚡ Рұйхатдан үтиш ⚡ Кіріш ⚡ - ⚡

my.gov.uz да хуш келибсі!

Хабарлар мен меншік көрініс

Зерткеуден калып олсыз Давлат мемлекеттік үйнілік Ақын жаһанын тәсжілдері Telegram чат дары

Ақоли үшін сымбабон хизметтер

Бизнес үшін сымбабон хизметтер

Халықаралық қаржылар

Соғылдар

 Электрон қалып олсыз

 Баланси болғатындықтың

 Тәуеккең көркөнде және Тәуеккең жыныстада
түрлөр мен бірнеше хосибға қойыла

 Суданынан (без суданынан)
түркесінде науқылымна

 Максималдық асерлілік

 Күрнештік мемлекеттік мәдени
сандар мен бірнеше заттардың

 Шағын үй-жойындың белгілілік
түркесінде науқылымна

 Хосибеттің жаңы үйнелешмәлери
түркесінде науқылым

 Негізгі тұрғында ғылыми

 Кадастру паспортердің шекаралары

Юқоридаги каби муаммолар кече ёки бугун пайдо бўлиб қолгани йўқ, албатта. Уларнинг келиб чиқишини кўйидаги сабаблар билан изоҳлаш мумкин:

- таълим тизимида хато ва камчиликларга, таълим сифати назоратини таъминлашда сусткашликка, коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилгани;
- ишига киришда, хусусан, давлат хизматига қабул қилишда кадрларнинг давлат тилини билиш даражасига эътибор қаратилмагани сабабли ота-оналарда фарзандларини ўзбек тилида таълим бериладиган мактабларда ўқитишга эҳтиёж йилдан йилга камайиб боргани;
- лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этишнинг пайсалга солиб келингани;
- узоқ вақт давомида жамиятда мутолаа маданиятини юксалтириш масаласи ўз ҳолига ташлаб қўйилгани;
- жамиятда имловий саводхонликни таъминлашга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмагани;
- нашр қилинаётган китобларда имловий хатолар кўплиги, аксарияти сифатсиз нашр қилинаётгани;
- атрофимиизда (таълим мұассасалари, ташкилотлар, кўчалар ва бошқа обьектларда) кўзга яққол ташланувчи пешлавҳалар, шиорлар, ҳикматли сўзлар ёзилган лавҳалар, катта-кичик реклама лавҳаларида ўзбек тилидаги сўзлар хатолар билан ёзилаётгани;
- турли сабаблар (моддий қийинчилик, билим олиш натижаларига ноумид қараш, оиласиев жанжаллар) туфайли аксарият оиласаларда фарзандларнинг билим олишига, саводхонлигини оширишга эътибор берилмагани.

Таъкидлаш жоизки, мурожаатларни ёзишда давлат тили қоидаларига риоя қиласлиқ, матнни тушунарли, лўнда, аниқ тарзда баён этмаслиқ, табиийки, уларнинг ваколатли органлар ва масъул шахслар томонидан кўриб чиқилишида қатор муаммо ва қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Хусусан:

- матнини ўқиб тушуниш, асл муаммо ва ҳақиқатни аниқлаш, масъул ижрочиларни (ташкилот, ходимни) белгилаш жараёнларини қийинлаштиради;
- муаммони аниқлаб, ҳал қилиш чоралари белгиланишига салбий таъсир қиласди;
- масъул раҳбарларнинг мурожаат матнини ўқиб чиқиш эҳтимолини камайтиради;
- муаллифнинг важларини аниқлаш мақсадида у билан мулоқот қилиш учун қўшимча вақт ва моддий ресурслар сарфланишини талаб қиласди;
- мурожаатларга юзаки жавоб берилишига, жавоб хати тайёрлашда кўриб чиқиш зиммасига юқлатилган ижрочи ходим нуқтаи назари устуворлик қилишига сабаб бўлади, барча босқичда унинг фикрига таянилади, ишониб қолинади.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасида мурожаатларга қўйиладиган талаблар белгиланган бўлса-да, ушбу моддада айнан **мурожаатлар матнига** доир талаблар баён этилмаган.

Қонунчиликда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари матнига, уларнинг тузилишига қўйиладиган талаблар белгиланмагани ҳам мурожаатлар билан ишлашда юқоридаги каби қийинчилик ва муаммолар юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Шу боис «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунга мурожаатлар матни имкон қадар лўнда, тушунарли, оддий ва равон тилда баён этилишини ҳамда умумъэтироф этилган грамматик, орфографик ва пунктуация қоидалари асосида ёзилишини, шунингдек, уларда ҳақоратли, уятли сўзларни ишлатиш тақиқланишини, умумқабул қилинган қисқартмалар кўлланилиши мумкинлигини назарда тутувчи норма киритилиши мақсадга мувофиқ.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан оширишга алоҳида эътибор қаратилиши, китоб мутолааси ва ки-

тобхонлик маданиятини оширишга қаратилган чоралар кўрилиши натижасида жамиятда она тилимизнинг мавқеи сезиларли даражада ортмоқда.

Тилга эътибор масаласида сўз юритар экан, Президент Шавкат Мирзиёев ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишиланган тантанали маросимда «ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳётимиз қоидасига айлантиришимиз керак»¹лигини таъкидлайди.

Юқорида баён этилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, биринчи навбатда, мутасадди вазирлик ва идоралар (*Давлат тилини ривожлантириш департаменти, Халқ таълим вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Маънавият ва маърифат маркази, Ёзувчилар уюшмаси ва бошқалар*) томонидан олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан биргаликда аҳолининг саводхонлиги борасидаги муаммолар чуқур таҳлил қилиниши, бугунги аҳвол танқидий баҳоланиши ва ҳолатта аниқ «ташхис» қўйиб олинини зарур.

¹ <https://president.uz/uz/lists/view/2953>



Шундан сўнг жамиятда умумий саводхонлики оширишга қаратилган, илмий асосланган комплекс чора-тадбирлар (умумий аҳволни ўнглаш учун қилиниши лозим бўлган ишлар стратегияси ва тактикаси) белgilаниши лозим. Бунда тадбирларнинг тажриба тариқасида дастлаб бирор-бир ташкилот, масалан, ахолининг аксарият қисми келиб муаммоси ва дардини айтадиган маскан – Ўзбекистон Республикаси Президентининг жойлардаги Халқ қабулхоналарини танлаб олиб, ташриф буюрувчиларга мурожаат матнини тўғри, аниқ, қисқа ва тушунарли ёзиши ўргатишга, турли соҳалар бўйича келиб тушган мурожаатларни чукур таҳлил қилиб, ариза, шикоят ва таклифлар-

нинг намунавий шаклларини ишлаб чиқиш ва соҳага сунъий интеллект ютуқларини босқич-ма-босқич жорий этишга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, хорижий тиллардаги мурожаатларни кўриб чиқиша ваколатли ташкилотлар ва Ташқи ишлар вазирилги ҳамкорлигини йўлга кўйиш таклиф этилади.


Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, ахоли мурожаатлари жамиятнинг умумий саводхонлик даражасини акс эттирувчи мухим индикатор бўлса, мурожаатлар матнининг савияси миллий таълим тизимига кўйилган баҳодир.

Олим ФАЙЗИЕВ,
ТДЮУ мустақил изланувчisi,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори



Юристлар малакасини ошириш соҳаси:

◆ мақсад ва вазифалар ◆



Ҳукуқий тартибга солиш механизмининг самардорлиги, қонун ижодкорлигининг асослилиги ва ҳукуқни кўллаш жараёнида қонун устуворлигига қатъий риоя қилиниши кўп жиҳатдан юристларнинг билимiga боғлик. Улар олий ўкув юртини битиргандан кейин ҳам малакасини ошириб бориши лозим.



Малака оширишнинг моҳиятига тўхталаған бўлсак, бу билимларни янгилаш ёки борларини такомиллаштириш ҳисобланиб, ходимга касбий билимларини янада мустаҳкамлаш имконини беради.

Юридик таълим ва кадрлар малакасини ошириш истиқболидан келиб чиқсан ҳолда олиб борилаётган тадқиқотлар ўқитиши ва малака ошириш ўртасида узвий боғлиқликни таъминлаши зарур. Бунга эса ҳалқаро тажрибани миллий қонунчиликка мослаштириш орқали эришиш мумкин. Қолаверса, ҳалқаро ҳукуқий тажрибани ўр-

ганиш, татбиқ этиш Президентимизнинг 2020 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5987-қарорида ҳам белгиланган.

Хориж тажрибаси. Жаҳон амалиётининг энг самаралисимианикаш ва малака ошириш жарайёнларини такомиллаштириш учун етакчи хорижий ўкув мусасасалари фаолиятини ўрганиш лозим. Шу мақсадда Сингапур, Япония ва Хитойдаги юристлар малакасини ошириш муассасаларининг тажрибаси ўрганилди¹.

Дунёда нафақат иқтисодий, балки юридик малакага эга бўлган ходимларга нисбатан талаб кучайиб бормоқда. Эндилиқда ривожланган давлатларда малака оширганлик тўғрисидаги маълумотнома ёки сертификат ишга киришдаги асосий таблардан бири ҳисобланади. Ҳозир ходимнинг фаолияти ва иш ҳақи малака ошириш курсини қай даражада якунлаганига боғлиқ бўлиб, ушбу курсларга мутахассисларнинг ҳам иш берувчиларнинг ҳам қизиқиши бирдай ошган.

Малака ошириш амалиёти МДХда деярли бир хил бўлиб, асосан ходимлар ҳар уч йилда малака ошириши кераклиги белгиланган. Курсларнинг қисқалиги (10 иш кунни) турли ўкув йилларида кўп ходимларни эҳтиёжига қараб турли мавзуларда ўқитиш имконини беради.

Европа давлатларида малака ошириш масаласи мухим ҳисобланиб, ходимлар мазкур курсларга қатнашиш учун иш берувчига ариза билан мурожаат қилиш ҳукуқига эга. Аммо кўпинча бу курсларга ходимлар ўз ҳисобидан қатнашади. Чунки баъзи давлатларда бундай курсларни сертификатга эга хусусий ташкилотлар ташкил этишига руҳсат берилган.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, чет элларда кредит-модул² асосида ўқитиш ва натижаси-

¹ Сингапурский институт юридического образования (The Singapore Institute of Legal Education), Ассоциация юрисконсультов Японии (Japan In-House Lawyers Association), Гонконгский институт правовой подготовки (Hong Kong Legal Training Institute).

² Кредит-модул ўқитиш тизими эса модуллининг ўкув натижалари ва якуний назоратни кузатиб бориши орқали таълим олувчиларининг билим, кўнгимка ва компетенцияларини мунтазам равишда баҳолаб боруви ўкув тизими ҳисобланади (Электрон манба <https://www.xabar.uz/talim/kredit-modul-oqlitish-tizimi-haqida>).



ни баҳолаш тизими кўп кўлла-
нади, унинг доирасида хукуқ-
шунослар маълум миқдордаги
кредитларни тўплashi керак.
Умуман олганда, кўриб чиқила-
ётган мамлакатлар, яъни Син-
гапур, Япония ва Хитойдаги
малака ошириш тизими ўхшаш
кредит тизимига эга. Ушбу дав-
латларда тингловчилар кредит-
ларни нафақат маъруза ёки се-
минарларда қатнашиб, балки
қўйида муҳокама қилинадиган
бошқа тадбирларда иштирок
етиб ҳам олиши мумкин.

Сингапур мисолига тўхтала-
диган бўлсак, ўқув кредитлари
икки турга – давлат ва хусусий-
га бўлинади.

Давлат кредитлари – Сингапур институтида аккредита-
циядан ўтган малака ошириш тадбирларида қатнашиш нати-
жасида олинган кредитлар. Бу
конференция, маъруза, семинар ёки маҳорат дарслари бўли-
ши мумкин.

Шахсий кредитлар – инсти-
тут томонидан аккредитация
қилинмаган малака ошириш
фаолиятида қатнашиш нати-
жасида олинган кредитлар. Бу
конференция, маъруза ёки се-
минарда қатнашиш, аудио ё
видео дастурни томоша қилиш
ёки хукуқий материалларни
ўрганиш бўлиши мумкин. Шу-
нингдек, хукуқшунос кўмита,

юридик академия ёки Сингапур
хукуқ жамиятининг гуруҳида
ёки маслаҳат гуруҳида қатнаш-
гани учун ҳам шахсий кредит-
ларни олиш имконига эга³.

Жорий йилда энг кам та-
лабдан кўпроқ кредит тўплаган
хукуқшунослар уларни кейин-
ги йил хисобига кўша олмайди.
Шуниси билан ушбу амалиёт
АҚШ ва Австралиядаги амали-
ётдан фарқ қиласди.

Малака ошириш касбий хукуқий онги шакллантиришга қандай таъсир этади?

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки,
курслар ва малака ошириш инсти-
тутларидаги машғулотлар профес-
сионал хукуқий онги ривожлан-
тириш шакли бўлиб, хукуқшуно-
сларга кундаклик исдан бир муддат
узилиш, юридик соҳадаги раҳбар-
лар, олимларнинг маъruzalariни
тинглаш, семинар ва маҳорат дарс-
ларида олинган сабоқлар орқали
ўз билимларни тўлдириш имко-
нини беради. Буларнинг барча-
си кейинчалик тингловчиларнинг
ишига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўқув дастурларини тузишда
этиборга олинадиган яна бир
муҳим шарт тингловчиларнинг
хукуқий онги ҳар томонлама
янгиланишидир. Бундай ёнда-
шувнинг зарурияти шундаки,

баъзи амалиётчилар назария-
нинг ролини кам баҳолайди.
Бундай қараш нотўғри ҳисоб-
ланиб, ходимнинг фақат иш билан
банд бўлиши нафақат дунё-
қарашини, балки хукуқий ма-
даниятини ривожлантиришини
ҳам қийинлаштиради.

Чунки назарий машғулот-
лар хукуқни муҳофаза қилиш
идоралари, адвокатлар, нотари-
услар, судлар олдида турган
муаммоларни ҳал этиш учун
замин бўлади. Ўқув жараёни-
да юзага келадиган назарий ва
амалий масалаларни ҳал қи-
лишдаги бундай комбинация
tinglovchilararga қонунларни
бир хил тушунишга ва кўллаш-
га имкон беради.

Қолаверса, юртимизда тад-
биркорларга этибор ҳар ка-
лонгидан кўра кўпроқ бўлса-да,
улардан батъзиларининг солик,
боххона ёки бошқа масалаларда
хукуқбузарлик содир этишига
аксарият ҳолларда юристининг
малакаси етариフ эмаслиги ёки
бундай ходимнинг умуман ўй-
лиги сабаб бўлмоқда. Кўпинча
янги очилган ташкилот раҳба-
ри ҳисобчи, кадрлар иши бўйи-
ча ходим ва бошқаларни ишга
олиш ҳақида қайғуради, лекин
хукуқшунос олиши истамайди.
Бунга аслида этитиёй йўқли-
ги эмас, балки малакали юрист-
ларнинг етишмаслиги асосий
сабабдир. Шунга кўра хукуқшу-
носларнинг малака оширишига
жиддий қараш ва уларга бериш
мумкин бўлган билимлар моду-
лини такомиллаштириш замон
талашибиди.

БМТнинг хукуқшунослар-
нинг роли тўғрисидаги асосий
принципларининг 9-бандида
(Гавана, 1990) «Хукуматлар,
хукуқшуносларнинг профес-
сионал бирлашмалари ва ўқув



³<https://www.sp.edu.sg/sp/student-services/osc-overview/student-handbook/grading-system>

муассасалари юристларнинг тегишили малака ва тайёргарлигиги, касбий идеаллар ва ахлоқий мажбуриятларни, шунингдек, миллий ва халқаро ҳуқуқ томонидан тан олинган инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини билишини таъминлайди⁴

дейилади. Шундай қилиб, малака ошириш дастури қўшимча касбий таълим олишнинг бир туридир.

Юқорида айтилганларни инобатга олган ҳолда юристлар малакасини оширишнинг турли шакллари орасида бир нечта асосийларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Булар:

- иш берувчи ташкил этадиган ишлаб чиқариш таълими;
- ишлаб чиқариш амалиёти (стажировка);
- доимий курслар ва малака ошириш институтларида ўқиш;
- вақти-вақти билан юридик органлар ва уларнинг бўлимлари ташкил этадиган илмий-амалий конференция, семинар ва учрашувлар;
- аспирантура ва докторантурада таҳсил олиши;
- юристларнинг мустақил таълим олиши.

Юристлар учун малака оширишнинг муҳим шакли юқори юридик орган ва муассасаларда ишлаб чиқариш амалиётини ўташибир (стажировка).

Юридик соҳа вакилларини тайёрлаш ва малакасини оширишнинг муҳимлиги ушбу масалаларни тартибига соловчи алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш билан тасдиқланади.



Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда юридик кадрлар малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш юзасидан қўйидаги таклифлар билдирилади:

- юридик кадрлар малакасини оширишнинг самарали миллий тизимини жорий этиш;
- малака оширишнинг замонавий тизимини, жумладан, масофавий таълимни жорий этиш ва ривожлантириш;
- замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда юридик кадрлар малакасини оширишнинг янги дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- малака ошириш соҳасида етакчи хорижий олий ўқув юртлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш;
- юридик кадрлар малакасини оширишда кредит-модул механизмини жорий этиш;
- юридик кадрларнинг малака ошириш жараёнини мониторинг қилувчи ягона маълумотлар базасига асосланган электрон платформани яратиш ва жорий этиш.

Хулоса қилиб айтганда юқори малакали ходимлар у ё бу ташкилот қонуний ва адолатли фаолият юритишнинг зарурый шартларидан биридир. Шу сабабли юридик соҳага оид барча ходимларнинг фаолияти

уларнинг билимларини доимий равишда янгилаб туришини талаб қиласди. Юрист қайси йўналишда ишлашидан қатъи назар, соҳасининг малакали мутахассиси бўлиши учун фақат юриспруденция билан чегараланиб

қолмай, кенг дунёқараши, саводи, фалсафа, психология ва бошқа фанларни билиши билан ҳам ажralиб туриши керак.

Анвар РАҲМАТОВ,

Аддия вазирлиги қўшидаги Юристлар малакасини ошириш маркази директори

⁴Ҳукуқшуносларнинг роли тўғрисидаги асосий қондалар // БМТнинг Жиноятларнинг олдини олиш ва қонун билан мумонала қилиш бўйича 8-конгрессининг маъруzasи (Гавана, Куба, 1990 йил 7 сентябрь), 131-136 - 6.



АҚШда меҳнат муносабатларининг хуқуқий жиҳатлари

Америка Қўшма Штатлари улкан меҳнат бозорига эга давлат. Бу юрт аҳоли банд-

лигини таъминлаш, юқори даромад топиш бўйича дунёда етакчи ҳисобланади. Маълумотларга кўра, 2020 йилнинг сентябрь ойида мамлакатда фуқаролик ишчи кучи сони 160,14 миллион кишини ташкил этган¹. Фуқаролик ишчи кучи атамаси АҚШ Меҳнат статистикаси бюроси (Bureau of Labor Statistics) томонидан иш жойи бўлган ёки иш излаётган, камида 16 ёшга тўлган, ҳарбий хизматда бўлмаган американалик ишчилар тоифасини тавсифлаш учун кўлланади. 2020 йил сентябрь ойида ишсизлик даражаси 0,5 фоизга пасайиб, 7,9 фоизни ташкил этди ва ишсизлар сони 1 миллионга камайди.

¹<https://www.statista.com/statistics/193953/seasonally-adjusted-monthly-civilian-labor-force-in-the-us/#statisticContainerer>.

COVID-19 пандемияси туфайли түхтаб қолган иқтисодий фаолиятнинг қайта тиклашини натижасида АҚШ мөхнат бозорида бир қатор ижобий ўзгаришлар кузатилди. Натижада күнгилочар хизматлар, мөхмонхона бизнеси, чакана савдо, соғлиқиң сақлаш ва ижтимоий ёрдам, шунингдек, профессионал ва тадбиркорлик соҳасидаги ахоли бандлиги даражаси сезиларلى үсди. Мазкур ижобий кўрсаткичларда самарали жорий этилган қонунчиликнинг ўрни каттадир.

Америка Кўшма Штатлари хукуқий тизими ва қонунчилиги бир-биридан мустақил бўлган 50 та штатдан ташкил топган федератив давлатadir. Шу боис барча иш берувчиларга тегиши бўлган мөхнат ва иш билан таъминлаш тўғрисидаги муносабатларни тартибга солувчи ягона қонун хужжатлари тўплами мавжуд эмас. Мөхнат муносабатлари икки даражали қонунчилик, яъни федерал қонунлар ҳамда штат қонунлари билан тартибга солинади. Федерал қонунлар бутун мамлакат доирасида амал қилса, штатлар томонидан қабул қилинган қонунлар фақатгина муайян ҳудуд доирасида бажарилиши мажбурий хисобланади. Мамлакатда норматив актлар билан бир қаторда маъмурӣ органлар хужжатлари ҳамда суд қарорлари ҳам мөхнат муносабатларини тартибга солиша кенг қўлланади.

Федерал қонунлар штатларро тижорат билан шуғулланадиган ҳамда мөхнат муносабатларида минимал иш стандартлари ва ҳимоя чораларини

белгилаш талаб этиладиган фаолият билан шуғулланувчи барча иш берувчиларга қўлланилади. Федерал қонунларда корхоналардаги иш вақти, мөхнатга ҳақ тўлаш тартиби, мөхнатга қобилиятсизлик варақаларини бериш асослари, мөхнат соҳасидаги камситишга қарши курашиш, касаба уюшмалари фаолияти, уларнинг жамоа шартномалари юзасидан музокаралар олиб бориш тартиби, оммавий ишдан бўшатиши ва корхоналарнинг тугатилишига доир масалалар акс этирилади. Бизнесининг қамрови ёки хусусиятидан қатъи назар барча иш берувчиларга мигрантларни ишлатиш учун рухсатномалар олиш масалалари ҳам федерал қонунлар билан тартибга солинади.

Ҳар бир штат томонидан қабул қилинган қонунлар фақат

ўз худудида амал қиласи. Улар федерал қонунларда назарда тутилмаган ва тартибга солинмаган масалаларни қамраб олади. Бундан ташқари, штат қонунлари ишсизлик суғуртаси ва ходимларга товон пули (иш билан боғлиқ касалликлар ва жароҳатлар учун) тўлашга доир муносабатларни ҳам тартибга солади.

Шаҳар ва муниципалитетларнинг ҳам ўз қонунлари мавжуд. Улар ишчиларнинг штат ёки федерал қонунларда назарда тутилганидан кўра кўпроқ ҳимоя қилиши мумкин. Масалан, федерал қонунлар хусусий секторда гендер идентификациясига қараб камситишни тақиқламаган, бироқ кўплаб штатлар ва маҳаллий ҳукуматларнинг қонунлари бундай камситишини тақиқлайди.



Федерал, штат ва идоравий даражадаги Бандлик имкониятлари комиссияси (Employment Opportunities Commission), Ички даромад хизматлари (Internal Revenue Services) ёки Ички хавфсизлик департаменти (Department of Homeland Security) томонидан қабул қилинган қоидалар федерал, штат ёки маҳаллий қонунларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Америка Кўшма Штатлари судлари эса қарорлари билан федерал, штат ва маҳаллий қонунлар ва қоидаларни шарҳлайди ва уларни ҳар биридаги алоҳида келтирилган ҳолатларга нисбатан қўллайди. Апелляция судлари томонидан қабул қилинган қарорлар қўйи судлар учун мажбурий прецедент бўлиб хизмат қиласи.



АҚШда ишчи хукуқларини ұмоя қилиш асосан адолатсиз мәхнат шароитлари ва камситишига қарши курашиш, бирлашмаларға уюшиби эркинлигини таъминлаш, жамоа шартномалари түзишдә иштирок этиш каби чора-тағырлар тизимидан иборат. К.Стоун иш ҳақининг минимал миқдоры, мәхнат муносабатларыда етказилған зарарни қоплаш, ишсизлик нағақасини тұлаш, мәхнат мухофазасини таъминлаш, жамоа шартномалари түзишгә бўлган хукуқи амалга ошириш, ногиронларнинг ижтимоий ұмоясини таъминлаш, мәхнат соҳасида камситишига йўл қўймаслик ва бошқа хукуқларни тўлиқ таъминлашга қаратилған комплекс чоралар йигиндисини ходим хукуқларини ұмоя қилиш дея баҳолайди². Америка Кўшма Штатлари мәхнат муносабатларда камситиш билан боғлиқ ҳолатлар кўп учраганлиги сабаби ушбу мамлакатда ишчиларнинг мәхнат хукуқлари тушунчаси уларни камситишидан ұмоя қилиш деган тушунчага яқин атама бўйли кетган.

Ишчиларнинг мәхнат хукуқлари судлардан ташқари бир қатор маъмурий органлар томонидан ҳам ұмоя қилинади. Бандликни таъминлашда тенг имкониятлар яратиш бўйича комиссия (Equal Employment Opportunity Commission), Мәхнат муносабатлари миллий кенгашы (National Labor Relations Board), Мәхнатни мұхофаза қилиш бошқармасы (Occupational Safety and Health Administration), Мәхнат ҳақи ва иш вақти маса-

ларни бўйича бўлинма (Hour and Wage Division) ишчиларнинг хукуқларини ұмоя қилиш устидан давлат назоратини таъминловчи маъмурий органлар ҳисобланади.

Бандликни таъминлашда тенг имкониятлар яратиш бўйича комиссия (Equal Employment Opportunity Commission) иш изловчилар ва ходимларни мәхнат муносабатларida учрайдиган ирқи, дини, жинси, ижтимоий келиб чиқиши, ёши (40 ёшдан катта), ногиронлик ёки генетик маълумоти билан боғлиқ ҳар қандай файриқонуний камситишилардан ұмоя қилиш соҳасидаги федерал қонуларга риоя этилишини таъминлашга масъул органдир. Мазкур комиссия 1964 йилда «Фуқаролик хукуқлари тўғрисидаги қонунга асосан ташкил қилинган бўлиб, унга сенат розилиги билан президент томонидан таинланадиган Бош маслаҳатчи

раҳбарлик қиласи. Комиссия 15 нафардан кўп ходимга эга бўлган иш берувчилар, мәхнат бирлашмалари ва бандлик агентликлари томонидан ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш, хизматдан четлаштириш, ишдаги ноқонуний таъқиблар, малака ошириш, иш ҳақи ва бошқа қўшимча тўловлар ҳамда мәхнат тўғрисидаги бошқа қонунларга риоя этилиши устидан назорат олиб боради. Стаститик маълумотларга кўра, 2019 йилда комиссияга камситишига доир 72675 та шикоят келиб тушган бўлса, улар юзасидан 80806 та қарор қабул қилган, шундан 11999 таси маъмурий тартибида кўриб чиқилган, низо юзасидан ундирилган пул миқдори 346,6 миллион долларни ташкил қилган³. Кўриниб турибиди, комиссия ходимларни мәхнат муносабатларидаги камситишилардан ұмоя қилишдаги асосий органлардан биридир.



Мәхнат муносабатлари миллий кенгашы (National Labor Relations Board) 1935 йилда қабул қилинган Миллий мәхнат муносабатлари актида мустаҳкамлаб қўйилган ходимларнинг мәхнат хукуқларини ұмоя қилишга масъул мустақил федерал агентлик ва маъмурий ишлар доирасидаги квази-судлов органи ҳам ҳисобланади. Кенгаш президент томонидан номзоди кўрсатилиб сенат томонидан тасдиқланадиган 5 нафар аъзодан иборат таркибида шакллантирилади. Шу билан бир қаторда ушбу органдан низоларни кўриб чиқиш ваколатига эга 40 нафар маъмурий хукуқ судьяси фаолият юритади.

² Katherine V.W. Stone. The Future of Labor and Employment Law in the United States. Article May 2008. UCLA School of Law Law & Economics Research Paper Series Research Paper No. 08-11 P.10: <https://www.researchgate.net/publication/228216833>

³ <https://www.eeoc.gov/eec/statistics/enforcement/all.cfm>

Мазкур кенгаш саноат соҳаидаги муносабатларидан келиб чиқадиган жамоаларга доир меҳнат низоларини кўриб чиқиш, тергов қилиш, ҳал қилиш каби ваколатларга ҳам эга. Хусусий сектордаги ходимлар учун адолатли меҳнат амалиётини таъминлаш мақсадида камситишларга қарши курасиди, меҳнат шаронтлари юзасидан келиб чиқадиган низоларни дастлабки тарзда ҳамда апелляция тартибида кўриб

чиқади. Агар низо кенгашда ҳал бўйлмаса, апелляция судига ёки Олий судга киритилади. Шуннингдек, кенгаш ишчиларнинг жамоат бирлашмалари тузиш, ташкил этиш, уларга бирлашиш, жамоа музокараларида иштирок этувчи вакилларини эркин танлаш, бошқа ходимлар билан биргаликда бир-бirlарининг ҳукуқларини ҳимоя қилиш ҳамда кўмак кўрсатиш учун бирлашиш каби меҳнат ҳукуқларини ҳимоя қиласди.

АҚШ қонунчилигида меҳнат шартномасини тузиш бўйича муайян талаблар белгиланмаган. Шу сабабли иш берувчи ва ходим меҳнат шартларини эркин танлайди. Бироқ меҳнат шартномаси мазмунида федерал қонунлар билан ўрнатилган талабларга риоя қилиш мажбурий. Амалдаги қонунчиликка асосан меҳнат шартномасини тузишда кўйидаги бешта асосий шартга риоя қилиниши лозим:

Минимал меҳнат шартлари.

1938 йилда қабул қилинган Адолатли меҳнат стандартлари тўғрисидаги қонун (Fair Labor Standards Act) меҳнатга ҳақ тўлаш, иш вақти ва иш вақтидан ташқари ишлаганилик учун ходимларга қўшимча иш ҳақи тўлашга доир муносабатларни тартибга солади. Ижро этувчи, маъмурий ёки бошқа давлат лавозимларида ишлаётган айрим ходимларга мазкур қонун нормалари татбиқ этилмайди.

Меҳнатга ҳақ тўлаш.

Меҳнат шартномаларига қўйиладиган асосий стандартлардан энг асосийи меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига қўйилган талабдир. Қонун билан миллий энг кам ойлик иш ҳақи барча ходимлар учун соатига 7,25 долларни ташкил этади. 2018 йиль 1 январдан бошлаб меҳнат шартномаси асосида ишловчи федерал пудратчилар учун энг кам иш ҳақи соатига 10,35 доллар этиб белгиланди. Штатлар энг кам ойлик иш ҳақининг миқдорини белгилашда мустақиллар. АҚШ штатларининг аксариятида энг кам иш ҳақи ставкалари федерал стандартдан юқори қилиб белгиланган. Масалан, Сан-Францискода энг кам иш ҳақи 2018 йильюй ойига қадар соатига 15 доллар бўлган.

Иш вақти.

Америка меҳнат қонунчилиги иш вақтининг максимал чегарасини белгилайди. Бироқ аксарият штатлар қонунларида күнлар оралиғидаги дам олиш вақти ҳамда ҳафтада бир кунлик дам олиш куни белгиланган. Масалан, бир қатор штатлар (Калифорния, Колорадо, Кентукки, Невада, Орегон ва Вашингтон) қонунчилигига кўра, кунига тўрт соатдан ортиқ ишлайдиган ходимларга ҳар бир ишлаган соати учун камида 10 дақиқа танаффус берилиши назарда тутилади. Кўплаб штатлarda ходимлар кунига белгиланган иш вақти нормасини (бу иш вақти муайян штатлар қонунларига кўра беш соатдан саккиз соаттacha қилиб белгиланади) бажаргандан кейин камида 30 дақиқалик овқатланиш учун ҳақ тўланмайдиган танаффус берилади. Бундан ташқари, бир нечта штатлар (Калифорния, Иллинойс, Массачусетс ва Нью-Йорк) қонунчилиги иш берувчи зиммасига етти кун ишлаган ходимга камида бир дам олиш куни бериш мажбуриятини юклайди.



Иш вақтидан ташқари иш.

Федерал адолатли мәннат стандартлары тұғрисидеги қонунга асосан ҳафта-сига 40 соатдан ортиқ ишлаган ходимларға ойлик иш ҳақининг бир ярим барава-ри миқдорида ҳақ тұланиши лозим. Қоңда тарықасида ишланмаган вакт, жум-ладан, таътиллар, дам олиш вақты, байрам күнларидеги вактлар ҳафтадеги 40 соатлык иш вақтига кирмайды да иш вақтидан ташқари вакт ҳисобланмайды⁴.

Мәннат мұхофазасини таъминлаш.

1971 йилда қабул қилингандык Мәннатны мұхофаза қилиш тұғрисидеги қонунға (Occupational Safety and Health Act) асосан иш берувчилар корхонада мавжуд хавфлардан (ўлим ёки жиддий жисмоний жароҳатлар) холи хавфсиз иш шаро-итларини таъминлаб бериши шарт. Қонун талабларига күра иш берувчи қуидеги шартларға риоя қилиши лозим: а) иш жойидеги маълум хавфларни бар-тараф этиш; б) хавфли кимәвий моддалар таъсир қыладынан ишлар миқдорини чеклаш; с) хавфсиз амалиётта жиһозлардан фойдаланиш; д) хатарларни кузатиб бориш, иш жойидеги шикастланишлар ва касаллукларни ҳисобга олиш.

АҚШда мәннат шартномасини бекор қилишда бошқа мамлакатлар тажрибасында учрамайдынан бир қатор ўзига хос жиҳатлар мавжуд. Жұмладан, «at-will» деб номланған тартибиға күра иш берувчи ходим билан тузилған мәннат шартномасини унга сабаб күрсатып ёки ҳеч қандай сабаб күрсатмасдан бекор қилишга ҳақы. Иш берувчи ходим билан тузилған мәннат шартномасини камситишига доир қонунчилікка зид ра-вишда бекор қилиши тақиқла-нахи. Шу билан бир қаторда қонун билан күрилғанадынан «whistleblowing» фоалияті билан шүғулланадынан шахсларни «at-will» тартибидеги ишдан бүшатиши тақиқланады. АҚШ қонунчилігінде күра, корхона-ларда «whistleblowing» билан шүғулланадын ходимлар фо-алият юритиши мүмкін. Улар иш берувчи томонидан содир этилған қонунбүзилишлар

хақида ваколатли давлат органдарига хабар беріб турады.

Мамлакатда ходимлар билан тузилған мәннат шартномасини бекор қилишнинг иккі тури мавжуд: бириңчиси, ходимларни оммавиіттөр рашида ишдан бүшатиши, иккінчи-си эса якка тартибда мәннат шартномасини бекор қилиш. Мәннат шартномасини бекор қилишнинг мазкур турлари мавжуд тартиб ҳамда жараён-лар асосида амалға оширилады ҳамда ўзига хос жиҳатлары билан бир-биридан фарқланиб турады.

Агар мәннат шартномасыда ёки жама шартномасыда бошқача тартиб белгиланған бүлмаса, бирор бир қонунда иш берувчилар учун мажбурий бүлгеленген ходимларни ишдан бүшатишига доир алохода расмий тартиб-көнділар назарда тутилған. Бу ходим билан тузилған мәннат шартномасини бекор қилиш тартиби иш бе-


рувчи ва ходим үртасидеги ёки иш берувчи ва вакиллік органдары үртасидеги келишувге күра белгиланышини анатладады. Бирок федерал, штат ва маҳаллий қонунларда белгиланған кафолатларга ассо-сан ходимлар иш берувчыннинг камситиши ёки қасос олиши орқали ноҳақ ишдан бүшатишидан ҳимояланады. Агар мәннат шартномасы ёки жама шартномасыда бошқача тартиб назарда тутилған бүлмаса, иш берувчи ходим билан тузилған мәннат шартномасини бекор қилаётгандык пайтада унга ишдан бүшатиши тұловларини тұлаши шарт эмес. Бирок аксар ҳолларда иш берувчи келгусидеги низоларнинг олдини олиш мақсадида шартноманы бекор қилишдан олдин ходимга ишдан бүшатиши тұловларини таклиф қиласы.

Мирәкеб РАХИМОВ,

Тошкент давлат юридик университети
Мәннат ҳуқуқы кафедрасы үйкитувчысы

⁴https://knowledge.leglobal.org/wp-content/uploads/sites/2/LEGlobal-Employment-Law-Overview_USA_2019-2020_21.01.2020.pdf.

“ҲУҚУҚ БИЛИМДОНЛАРИ” танлови



ШАРТЛАР

1. “ҲУҚУҚИЙ

АХБОРОТ” каналига

дўстларингизни қўшинг

2. Каналда бериб борилган ҳамда

ҳуқуқ соҳасида тузилган 30 ТА ТЕСТ

саволига жавоб беринг (test.adliya.uz сайтида)


3. ФИНАЛДА иштирок этиб, iPhone 11 Pro ютиб олинг



Миллий давлатчилигимиз тариҳида

мурожаатлар институти

Ўзбек давлатчилиги тариҳида фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш маълум бир тарихий илдизга эга. Одамларнинг мурожаатини бевосита ҳал этиш, шикоятларни ҳукмдорга етказиш учун турли босқичлар, тузилмалар ва мансаблар жорий этилган. Ҳукмдорлар эса арз ва шикоятларни ҳал этишда бошқарув тамойилларига асосланган ҳолда иш кўрган.



IX — XII асрларда Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистонда кучли марказлашган давлат қуришга муваффақ бўлган бир қатор сулолалар, шу жумладан, сомонийлар, салжуқийлар, фазнавийлар ва хоразмшоҳлар даврида аҳолининг мурожаатларига бўлган эътибор алоҳида аҳамият касб этиб, ўзига хос хусусиятларга эгалиги билан ажralиб турган.

Сомонийлар давлати ҳукмдорлари ҳафтада икки марта мажлис ўтказиб, мамлакат бўйлаб шикоятчиларни қабул қилган. Ҳукмдорлар ўз қабулига шикоятчиларнинг ҳеч қандай тўсиқсиз киришларини амалдорларига тайинлаган. Тўсқинлик қилган маъмурий ходимлар эса қаттиқ жазоланган. Низомулмулк «Сиёсатнома» асарида шундай ёзди: «Подшоҳ ҳафтада икки кун зулм кўрганларни қабул қилиб, золимларнинг додини бериб, уларни жазолаб ва раиёт сўзларини бевосита эшишиб бориши керак. Муҳим бўлган аризаларни қабул қилиб, ҳар бирiga жавоб бериши лозим. Агарда «подшоҳ додхоҳларни олдига чакириб, ҳафтада икки маротаба уларнинг сўзларини эшигади ва золимларнинг жазосини беради» деган хабар мамлакатда тарқалса, унда золимлар қилмишларининг оқибатини ўйлаб, қўрқиб бедодлик қилмайдилар»¹.

Ғазнавийлар давлатида ҳам шикоятларни қабул қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Ҳукмдорлар шаҳар ёки муайян ҳукумат вакиллари орқали чекка ҳудуд аҳолисининг муммо-

сига қулоқ тутишга ва ёрдам беришга ҳаракат қилган. Бу масалада раислар, шаҳарларнинг шайхлари ва муҳтасиблар алоҳида ўрин тутган. Майда қаллобликлар, савдо-сотиқ ишларидаги алдов ёки тарозидан уриш ҳолатлари билан боғлиқ шикоятларни шариат қонунларига асосан муҳтасиблар ҳал этган². Ғазнавийлар давлатида муҳтасиб лавозимига ҳалол, саводли, шариат нормаларига оғишмай риоя қилувчи шахслар тайинланган. Маҳмуд Ғазнавий шариат нормаларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширувчи муҳтасибларга кенг ваколатлар берган.

Салжуқийлар давлати сultonлари эса жуда кенг, амалда чекланмаган монарх ҳукуклирига эга бўлиб, мансабдорлар устидан тушган шикоятларни ҳал қилган, ерларни ҳадя қилган, мансабдорлар ва қўшин бошлиқларини тайинлаган, муҳим давлат ишларини ҳал этишда кенгаш чакириб, саркарда ва қўмондонларнинг фикрларини олишга ҳаракат қилган³. Салжуқий ҳукмдорлардан бири Муҳаммад Тўғрулбек ҳар

¹ Сиёсатнома (Сиёр ул-мулук) / Низомулмулк. Масъул мухаррир Шариф Холмурод. Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари Шодмон Воҳид, Афтондил Эркинов. — Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. — 304 бет (24-бетдан олинди).

² Азамат Зий. Ўзбек давлатчилиги тарихи: (Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар) // Масъул мухаррир: Б. Аҳмедов/. — Т.: «Шарқ», 2001. — 368 б. (95-бетдан олинди).

³ Азамат Зий. Ўзбек давлатчилиги тарихи: (Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар) // Масъул мухаррир: Б. Аҳмедов/. — Т.: «Шарқ», 2001. — 368 б. (127-бетдан олинди).

ҳафтада икки кунни Ҳурсон подшоҳларининг қоидаларига мос ҳолда аҳолини ўзи қабул қилиб, низо ва жанжалларни ҳал этгани манбаларда қайд этилган⁴.

Хоразмшоҳлар давлатида муҳим лавозимлардан бири қиссадордир. Қиссадор – бир ҳафта давомида султон номига ёзилган ариза ва илтимосномаларни йигиб, пайшанбадан жумага ўтар кечаси султонга топширган. Жума куни эса сultonнинг жавобини ариза егаларига етказган⁵.

Амир Темур даврида ҳам мурожаатлар билан ишлаш учун арзбеги лавозими жорий этилган эди. Арзбеги барча шикоятлар, аризалар ва таклифларни шахсан Амир Темурга билдириш хукуқига эга бўлган. Бу ҳақида «Темур тузуклари»да шундай ёзилган: «Яна ҳукм қилдимки, бир кишини арзбеги қилиб тайинласинлар. У сипоҳ, раият ва арз-дод қилиб (хузуримга) келувчиларнинг аҳволини, мамлакатнинг обод-хароблиги-

ни, муҳим ишлардан қайси бири битган-битмаганлигини менинг арзимга етказиб турсин»⁶.

Тарихшунос Баҳодир Аҳмедов Амир Темур давлатида муҳтасиблар алоҳида мавқега эга бўлгани, улар диний маросимлар, урф-одатлар ва шариат қонунларининг бажарилиши (фуқароларнинг мурожаатлари шариат нормаларига асосланган ҳолда адолатли ҳал этилиши) устидан назоратни амалга оширганини таъкидлайди⁷.

Соҳибқирон бобомиз давлатни бошқариша мудом адолат тамоилига риоя қилишга катта аҳамият берган. Қонун олдида ҳамманинг, жумладан, ўз оила аъзоларининг ҳам тенг хукукли бўлишини таъминлашга интилган. Испан элчиси Клавихонинг кундаликларида қайд этилишича, Амир Темурнинг севимли келинларидан бири Хонзодабегим 1399 йили Самарқандга ташриф буюради. Хонзодабегим ташрифдан



⁴Агаджанов С.Г. Государство Сельджукидов и Средняя Азия в XI–XII вв. М., Наука. 1991 г.

⁵Эшов Б. Ўзбекистон давлатлиги ва бошқарув тарихи. –Т.: «Ўзбекистон миллӣ университети», 2012 йил. 121-6.

⁶Согуний А. Темур тузуклари; тарихий адабиёт / А.Согуний ва Ҳ.Кароматов. – Тошкент: Yangiyul Poligraph Service, 2019. – 160 б. (120-бетдан олинди).

⁷Аҳмедов Б. Амир Темур дарслари: Умумий таълим ва маҳсус тарих мактаблари ўқитувчилари ва ўқувчилари учун кўлланма. — Т.: «Шарқ», 2001. — 144 б. (53-бетдан олинди).

муддаоси эрининг, яъни Мироншоҳ Мирзонинг ичқиликка ружу қўяётгани, давлат ишларини ўз ҳолига ташлаб қўйгани ҳақида Амир Темурни хабардор этиш эди. Ҳукмдор келинининг шикоятини эшитиб, бир гурух ишончли одамларига бу вазиятни текшириш учун Табризга юборади. Текширув давомида Мироншоҳ Мирзо олий девоннинг тўловларини нотўғри ишлатгани аниқланади. Амир Темур ўғлини ва унинг атрофидаги амалдорларини бу қилмишлари учун жазолайди⁸.

Мурожаатларга эътибор Амир Темур салтнатида адолатли, интизомли ва мустаҳкам давлат барпо этишининг асосий устунларидан бири ҳисобланган. Шунинг учун арз ва шикоятларни синчковлик билан ўрганиш, қонуний ва одилона ҳал этиш дастаклари мукаммал ишлаб чиқилган ҳамда амалиётда қўлланган. Аҳолининг ҳар бир арзи ва шикоятларини ўрганиб чиқиш ҳамда уларга жавоб берилишини шахсан Амир Темурнинг ўзи ва мамлакатда қонунларнинг бажарилиши устидан назоратни муҳтасиблар амалга оширган.

Амир Темур давлатида фуқароларнинг мурожаатларига эътибор бериш қўйидагиларда намоён бўлади:

- 1** фуқароларга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида олий ҳокимият (даргоҳ) органига тўғридан-тўғри мурожаат қилиш имконияти берилган;
- 2** аҳолига ўз мурожаатлари (таклифлари) орқали маълум даражада давлат бошқаруви ишларида иштирок этиши учун шароит яратиб берилган;
- 3** аҳоли яшайдиган ҳудудлардаги вазият, уларнинг турмуш тарзи Амир Темур томонидан раиятнинг арз ва шикоятини ҳал қилиш учун лавозимга тайинланган масъул шахс (амалдор)лар томонидан аниқланган.

Темурийлар давридан кейин шайбонийлар (1500-1601), аштархонийлар (1601-1756), мангитлар (1756-1920), қўнғиротлар (1770-1920) сулолалари, Кўқон ҳонлиги ҳукмдорлари (1709-1867) бошқарув тизимида ҳам даргоҳ ва девонларни сақлаб қолишига ҳаракат қилинган. Ҳукмдорлар анъянага кўра, фуқароларнинг арз-додлари ва шикоятларни кўриб чиқишига катта аҳамият берган.

Бухоро ҳонлигига давлат бошлиғи маҳкамасининг икки маҳсус ходими бўлиб, улар амирнинг кундалик ишини юритиш масалалари билан бевосита шуғулланган. Улардан бири парвоначи бўлиб, амир фармонлари ва бошқа қарорларини бекларга ҳамда бошқа мансабдор шахсларга етказиш масалалари билан шуғул-

ланган. Иккинчи лавозим эгаси доддоҳ, яъни давлат бошлиғига турли масалалар бўйича келиб тушадиган ариза ва шикоятларни қабул қилиб, унга етказиш ҳамда берилган жавобларни ўз эгаларига қайтариш вазифасини бажарган⁹.

Камат туманида яшовчи Тўхтаой исмли аёл 1875 йилда амир Саййид Музаффарга (1860-1885) шикоят билан мурожаат қиласди. Мурожаатида Бурхон исмли шахс уни турмушга чиқишига мажбурлаётганини билдиради. Амир Бухоро қозикалонига мазкур ҳолатни текшириш ва сабабларини аниқлаш бўйича топшириқ беради¹⁰.

Бундан кўринадики, Бухоро амирлигига нафақат эркак мурожаатчилар, балки аёлларнинг ҳам мурожаатлари тингланган ва уларнинг

⁸ Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403-1406). М., «Наука», 1990, 117-118-бетлар.

⁹ Холикова Р. Амирлиқдаги амалу узвонлар // Фан турмуш. – Тошкент, 2000. - № 4. – 14-6.

¹⁰ Шодиев Ж.М. Бухоро амирлигига давлатчилик масалалари: Ойли ўқув юрти таалаблари учун ўқув қўйлланма/ Масъул мухаррар: Ҳ.Б.-боев. Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2005.-74 бет. (50-бетдан олинди).

хукуқларини ҳимоя қилиш, бузилган хукуқларини тиклаш чоралари кўрилган.

Хива ҳонлигидаги ҳам фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш ўзига хос хусусиятга эга бўлган. Жумладан, Муҳаммад Ризо Оғаҳийнинг «Фирдавс ул-иқбон» асарида XIX аср бошларида Хоразмнинг ҳудудий яхлитлигини тиклаш учун фаол ҳарбий юришлари билан ажralиб турган қўнғирот хўкмдорларидан бири – Муҳаммад Раҳимхон I (1806-1825) ҳонликнинг турли қисмларига аҳолининг ариза ва шикоятларини тинглаш учун жуда кўп марта борганилиги қайд этилган¹¹.

Қўйқон ҳонлигидаги ҳар бир шаҳар, вилоят ва беклини ўз қозисига эга бўлиб, фуқароларнинг ариза ва шикоятлари, кундалик иқтисолидай ва ижтимоий масалалар қозилар томонидан ҳал этилган, қозиси бўлмаган ҳудудларда унинг вазифасини раис бажарган.

Қозихона икки ҳонадан иборат бўлиб, улардан бирида қози ва муфти аъзлам, иккинчи ҳонада эса котиб бўлган. Ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш учун аниқ кун ёки вақт белгиланмаган. Шунинг учун ҳар бир киши ҳар куни мурожаат қилиши мумкин бўлган. Қозихонада



махсус шахс (жарчи) бўлиб, ариза ва шикоятларни овоз чиқариб ўқиган¹². Томонлардан бири қози томонидан чиқарилган қарордан норози бўлган тақдирда, ариза билан бекка мурожаат қилиш хукуқига эга бўлган. Бек, ўз навбатида, мустақил қарорлар қабуғ қилган. Шуниси мухимки, ҳар қандай шахс, яшаш жойидан қатъи назар, қозига мурожаат қилиш хукуқига эга бўлган. Қози томонидан чиқарилган адолатсиз хўм ёки қарорга қозикалан ўзгартириши киритиши мумкин бўлган. Бундай ҳолатда қозикалан чиқарган қарорга қози ҳеч қандай эътироуз билдира олмаган¹³.

Келтирилган тарихий манбалар, эсадаликлар, ҳўкмдорларнинг иш тутимидан шундай хуносага келиш мумкин:

- **БИРИНЧИДАН,** Ўзбекистон ҳудудида ҳўкмронлик қилган барча сулолаларда аҳолининг мурожаатларига алоҳида эътибор берилган, давлат бошлиқлари мурожаатларни қонуний ва адолатли ҳал қилиш учун ҳаракат қилганлар;
- **ИККИНЧИДАН,** ҳар бир сулола даврида раиятнинг мурожаатларини қабул қилиш, уларни давлат бошлиғига етказиш ёки мурожаатларни ҳал қилиш билан шуғулланувчи махсус лавозимлар бўлган;
- **УЧИНЧИДАН,** сулола бошлиқлари ҳисобланган ҳўкмдорларга нафақат эркак мурожаатчилар, балки аёллар ҳам ўзларининг арз ва шикоятлари билан мурожаат қилганлар. Ўша даврларда ҳам аёлларнинг ҳукуқларини рўёбга чиқариш, гендер tengligини таъминлаш чоралари кўрилган.

Шерзод ЗОКИРОВ,

Бош прокуратура академииси докторантни

¹¹ Firdaws al-iqbali. History of Khorezm by Shir Muhammad Mirab Munis and Muhammad Riza Mirab Agahi, trans. from Chaghatai and annot. by Yuri Bregel (Leiden, Boston, Koln: Brill, 1999). P. 456-457.

¹² Наливкин В. Краткая история Кокандского ханства. – Казань, 1886. –IV, 215 с.

¹³ Мухитдинов Алишер. Историко-правовые аспекты судебной системы Кокандского ханства // Вестник ТГУПБП. 2018. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/istoriko-pravovye-aspekty-sudebnoy-sistemy-kokandskogo-hanstva> (дата обращения: 02.03.2020).

Қонунчиликдаги
сүнгги янгиликлар

Янги қонун
хужжатларига
түшунтиришлар

Расмий манба



ХУҚУҚИЙ АҲБОРОТ ТЕЛЕГРАМ-КАНАЛИ

t.me/huquqiyaxborot



Аҳборотни расмий ва ишончли манбадан олинг!

Аҳборот кўплиги ва хилма-хиллиги замонида Адлия вазирлигининг
[@huquqiyaxborot](https://t.me/huquqiyaxborot) канали тўғри, аниқ ва ишончли манбалардан бири ҳисобланади.

- ❖ ўзбек тилида (кирилл алифбосида) – <https://t.me/huquqiyaxborot>
- ❖ ўзбек тилида (лотин алифбосида) – https://t.me/huquqiyaxborot_latin
- ❖ рус тилида – <https://t.me/pravoinf>
- ❖ инглиз тилида – <https://t.me/leginf>

Получайте информацию из официального и надежного источника!


В эпоху изобилия и разнообразия информации канал [@huquqiyaxborot](https://t.me/huquqiyaxborot) Министерства юстиции является одним из достоверных, точных и надежных источников.

- ❖ на узбекском языке (кириллица) – <https://t.me/huquqiyaxborot>
- ❖ на узбекском языке (латиница) – https://t.me/huquqiyaxborot_latin
- ❖ на русском языке – <https://t.me/pravoinf>
- ❖ на английском языке – <https://t.me/leginf>



«Судъяниң онгида – адолат, тилида – ҳақиқат, дилида – поклик устувор бўлиши лозим»

Президент Шавкат Мирзиёев ҳар гал суд тизими, унинг мустақиллигини таъминлаш ҳақида гапирганида адолат тушунчаси, унинг ҳайтимизда нақадар мухим аҳамият касб этишини ҳижжалаб тушунтиради. Бунинг сабаби – ҳуқуқий демократик давлат ва очик, эркин фуқаролик жамияти шароитида адолатни қарор топтириш суд ҳокимияти орқали амалга оширилади.



Президентимиз 2020 йил 30 июн куни одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар мухокамасига бағишлиланган видеоселектор йиғилишида ҳам судлар фаолиятига алоҳида тұхталиб, «Суд биносига келгандың ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат борлигига ишониб чиқиб кетиши керак» деге таъқидлади.

Судлар олдига қойилған бу талаб ҳар бир судья фаолиятидаги асосий мақсад бўлиб қолиши зарур ва шарт.

Сўнгги йилларда соҳада амалга оширилаётган тизимили ислоҳотлар натижасида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллегистини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси кафолатларини кучайтириш ва одил судловга эришиш даражаси ошди. Ўтган қисқа давр ичидә замонавий концепцияга асосланган мутлақо янги суд тизими яратилди. Шу тариқа суд ҳокимияти мустақиллегистининг конституциявий принципини амалда таъминлаш имконияти вужудга келди.

Суд давлат номидан қарор қабул қиласиди. Шундай экан, судья судьялик мақомига мос шахс бўлиб шаклланиши учун қонунларда ёзилмаган, аммо амал қилиш лозим бўлган юксак инсоний фазилатларга ҳам қатый риоя этиши зарур. Судья қандай масалани ҳал қилишидан қатын назар, халоллик, холислик ва адолатни ўзига шиор қилиб олиши лозим. Бунинг учун у ўз касбанинг билимдони, ҳастий тажрибага ега, ҳар томонлама етук, савиаси баланд ва ҳуқукий маданиятли шахс бўлиши керак.

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят, туман (шахар) судлари томонидан ҳам одил судловни амалга ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манбаатларини ҳимоя қилиш борасида шу йилнинг биргина 5 ойи давомида муайян ишлар амалга оширилди. Бу даврда 1509 нафар шахсга нисбатан 1258 та жиноят иши кўриб чиқилди. Таҳлил қилинаётган даврда 360 та жиноят иши

тарафларнинг ярашгани муносабати билан Жиноят кодексининг 66¹-моддасига асосан туғатилиб, 379 нафар шахс жиноий жавобгарлиқдан озод қилинди. Вилоят судларининг барча инстанцияларида 8 та жиноят иши бўйича 8 нафар шахс оқланди, 126 нафар шахс суд залининг ўзиданоқ озод қилинди. Эътиборлиси, тамомланган жиноят ишларининг 39,9 фоизи ёки 503 таси сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилди.

Бу мисолларни бежиз келтирмадим. Ҳар бир жиноят иши ортида инсон тақдир ётади. Шу маънода, судьялик касбида ишчанлик, хушёрлик, ҳаёт тажрибасини мукаммал эгаллаган, тинимсиз ҳаракат, машакқатли меҳнат ва «етти ўлчаб, бир кес» мақолига амал қилиш одатта айланмонги зарур. Судьялар халқнинг ишончига сазовор бўлиш учун қонуний ваколати ва мажбурияти доирасида, маъсулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда вазифасини самимият билан, бегарас бажариши керак.

Президентимиз конституциямиз қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги маърузасида «Судьянинг онгида – адолат, тилида – ҳақиқат, дилида – поклик устувор бўлиши лозим» деган пурмашно фикрни айтган эди. Зеро, иши судга тушган ҳар қандай шахс судьядан факат ҳақиқат ва адолат кутади. Шунинг учун судья ўз фаолиятида эътиборсизликка ёки таваккалчиликка йўл қўйиши асло мумкин эмас.


Олим ҲАЙТОВ,
жиноят ишлари бўйича
Самарқанд вилояти суди раиси



Мустақиил судьялар корпуси

уни шакллантиришга қаратилған халқаро стандартлар

Судьялар корпусини шакллантиришда уларнинг мустақиллигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш, ривожланган давлатларнинг бу борадаги қонунчилигини ўрганиш асосида миллий қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масаласи долзарб бўлиб турибди.



Ишларни судда кўриш сифатини ошириш ҳамда холис, адолатли ва қонуний қарорлар қабул қилиш учун тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлигини таъминлаш меҳанизмларини кенгайтириш мақсадида 2020 йилнинг 24 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони қабул қилинди¹.

Мазкур фармонга қўра мезонларга асосланган бўлиши, БМТнинг «Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари»нинг 13-принципидаги лавозимга холисликка, хусусан қобилияти, ахлоқи ва тажрибасига асосланган ҳолда кўтарилиши кераклиги белгиланган². Яъни, судьяни у ё бу лавозимга кўтариш учун унинг ижтимоий келиб чиқиши, диний эътиоди, қарашлари, миллати ёки бошиқ жиҳжатлари эмас, айнан қобилияти, ахлоқи ва тажрибаси асосий мезон бўлиши шарт.

Минтақавий халқаро стандартларда судьяларни аттестациядан ўтказиш ваколатли суд органи томонидан эълон қилинган холис мезонларга асосланган бўлиши ва судьяларга ўз фикрини билдириш ҳамда аттестация натижаси бўйича мустақил органга ёки судга шикоят қилишига имконият берилиши кераклиги³ назарда тутилган.

«Одил судлов мустақиллиги тўғрисидаги умумжаҳон декларацияси лойиҳасида»⁴ (Сингви декларацияси) судьяларнинг юқори лавозимга кўтарилишини тартибга солувчи норма мустақамланган. Унга кўра судьяларнинг юқори лавозимга кўтарилиши уларнинг ахлоқи, мустақиллиги, малакаси, тажрибаси, инсонпарварлиги ва қонун устуворлиги принципига содиқлиги каби мезонларга асосланган бўлиши лозим⁵.

Бундан ташқари, Сингви декларациясида судьяларни бир юрисдикциядан бошқасига ёки бир лавозимдан бошқасига уларнинг розилигисиз ўтказиш мумкин эмаслиги, аммо суд тизими томонидан ишлаб чиқилган ягона сиёсатга мувофиқ амалга ошириладиган ҳолатларда буни синчковлик билан ўрганиш кераклиги назарда тутилган⁶.

Шунингдек Халқаро адвокатлар ассоциацияси томонидан қабул қилинган «Судья-

¹www.lex.uz

²Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари. БМТнинг жинончиликнинг олдини олиши ва ҳукукбазарлар билан мумомал қилиш бўйича 1985 йил 26 августдан 6 сентябрга ча Миландга бўлиб ўтган еттинчи конгрессида қабул қилинган ва БМТ Бош ассамблейсининг 1985 йил 29 ноябрдаги 40/32-резолюцияси билан тасдиқланган. //Ҳукукни муҳофаза қилиш органларига оид халқаро ҳужжатлар: тўплам. Тошкент: «Адолат», 2004. 110 – 111-б.

³COE Recommendation (2010) 12 on judges and CCJE Magna Carta of judges. <https://rm.coe.int/16807482c6>.

⁴Draft Universal Declaration on the Independence of Justice («Singhi Declaration»). <https://www.icj.org/wp-content/uploads/2014/03/SR-Independence-of-Judges-and-Lawyers-Draft-universal-declaration-independence-justice-Singhi-Declaration-instruments-1989-eng.pdf>.

⁵Draft Universal Declaration on the Independence of Justice («Singhi Declaration»). <https://www.icj.org/wp-content/uploads/2014/03/SR-Independence-of-Judges-and-Lawyers-Draft-universal-declaration-independence-justice-Singhi-Declaration-instruments-1989-eng.pdf>.

⁶Draft Universal Declaration on the Independence of Justice («Singhi Declaration»). <https://www.icj.org/wp-content/uploads/2014/03/SR-Independence-of-Judges-and-Lawyers-Draft-universal-declaration-independence-justice-Singhi-Declaration-instruments-1989-eng.pdf>.



ларнинг мустақиллиги бўйича минимал стандартлар»да ҳам судьяларни бир суддан бошқасига ўтказиш ваколати суд органига берилиши кераклиги ва бу судъянинг розилиги билан амалга оширилиши лозимлиги белгиланган⁷.

БМТнинг Инсон ҳукуқлари бўйича кўмитаси судьялар юқори лавозимга маъмурий органларнинг қарорига кўра кўтаришса, бу уларни сиёсий босим остида қўлдириши ва мустақиллиги ва холислигини хавф остига кўйиши мумкинлигини таъкидлаган⁸.

Евropa кенгаши Вазирлар кўмитасининг 2010 йилги 12-тавсиясида суд тизимининг иерархияси судьяларнинг индивидуал мустақиллигига пуштур етказмаслиги кераклиги⁹ белгиланган.

Шу нуқтаи назардан, Инсон ҳукуқлари кўмитаси Адлия вазирлиги судлар фаолиятини текшириши суд ҳокимияти-

нинг мустақиллигига таҳдид эканлигини таъкидлаган¹⁰.

Аксарият ҳалқаро стандартларда судьяларни лавозимга тайинлаш ва бошқа судга ўтказиш тўғрисидаги қарорлар ҳукуматнинг сиёсий органлари томонидан эмас, балки суд ҳокимияти томонидан қабул қилиниши лозимлиги белгиланган. Бу юрисдикцияга тегишли қарорлар нотўғри сабабларга кўра қабул қилинмаслигини таъминлаш учун ҳам зарурдир.

«Судьяларнинг мақоми тўғрисида»ги Евropa хартиясининг 2.1-бандига кўра судьяни танлайдиган орган бўлажак судъянинг хатти-ҳаракати доимо ҳурматга эга бўлишига ишонч ҳосил қилиши керак, бу ҳокимият органлари ва суд процесси иштирокчилари билан кўпинча ўта оғир вазият-

ларда бўладиган мулокотларда муҳимдир.

Евropa судьяларининг маслаҳат кенгаши судьяларни танлаш ва лавозимга тайинлашда ишлатиладиган барча холис мезонлар лойиклик, малақа, қобилият уйғулиги ва самародорликка асосланган бўлиши кераклигини назарда туттган¹¹. Айрим давлатларда судьяларни тайинлаш ёки лавозимга кўтариш конституция ва қонунга мувофиқ давлат раҳбарининг ваколатига киради. Евropa судьялари маслаҳат кенгашининг 10-холосаси 49-бандида айнан шу жиҳатга эътибор қаратилиб, гарчи судья давлат раҳбарининг расмий қарори билан тайинланishi кенг тарқалган бўлса-да, судьяларнинг жамиятдаги ўрни ва вазифаларининг туб моҳиятидан келиб чиқиб бундай қарорлар судьялар кенгашининг таклифига кўра давлат раҳбари томонидан амалга оширилиши мақсадга мувофиқлиги белгиланган¹².

Евropa кенгаши Вазирлар кўмитасининг «Мустақиллик, самародорлик ва масъулият тўғрисида»ги тавсияси 44-бандида «Судьяларни танлаш ва лавозимга ўтказиш тўғрисидаги қарорлар қонун ёки ваколати органлар томонидан олдиндан белгилаб кўйилган холис мезонларга асосланиши керак. Бундай қарорлар ишни кўриб чиқиш учун зарур бўлган малақа, кўнікма ва салоҳиятни ҳисобга олган ҳолда, инсон қадр-қимматини ҳурмат



⁷ IBA Minimum standards of judicial independence. (Adopted 1982). www.ibanet.org.

⁸ Заключительные замечания Комитета по правам человека по Азербайджану, Документ ООН № CCPR/CO/73/AZE, п. 14.

⁹ COE Recommendation (2010) 12 on judges and CCJE Magna Carta of judges. <https://rm.coe.int/16807482c6>.

¹⁰ Заключительные замечания Комитета по правам человека по Румынии, Документ ООН № CCPR/C/79/Add.111, п. 10.


¹¹ Консультативный совет Европейских судей (КСЕ). Заключение № 1 (2001). Страсбург, 23 ноября 2001 г. <https://rm.coe.int/1680747b8e>.

¹² Консультативный совет Европейских судей (КСЕ). Заключение № 10 (2001). Страсбург, 23 ноября 2001 г. <https://rm.coe.int/1680747b8e>.

қишлиш йўлида қонунни қўллаш қобилиятини ҳисобга олган ҳолда қабул қилиниши лозим» деб кўрсатилган¹³.

Судьяни танлаш ва лавозимга ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилишга ваколатли орган ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимиятдан мустақил бўлиши шарт. Судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш учун бундай орган аъзоларининг камидаги ярми ҳамкаслари томонидан сайланадиган судьялар бўлиши керак¹⁴.

Бироқ конституция ёки бошқа қонун хўжжатларида давлат раҳбари, хукумат ёки қонун чиқарувчи ҳокимият судьяларни танлаш ва лавозимга тайинлаш ваколатига эгалиги кўзда тутилган бўлса, суд тизими вакилларидан иборат



мустақил ва ваколатли орган юқоридаги органларга тавсия бериши ёки фикр билдириш хукуқига эга бўлиши шарт¹⁵.

Мустақил органлар имкон қадар кенг вакилликка эга бўлиши, уларнинг қарор қабул қилиш механизми шаффо ва

сабаблари кўрсатилган ҳамда мурожаат этувчиларнинг талабига биноан очиқ бўлиши керак. Нолойик деб топилган номзод қарорга ёки қарор қабул қилиш жараёни юзасидан шикоят бериши хукуқига эга бўлиши лозим¹⁶.

**Судьяларни тайинлаш, танлаш, юқори лавозимга кўтариш,
бошқа судга ўтказиша ҳалқаро стандартлар муҳим аҳамият
касб этишини эътироф этган ҳолда қўйидаги асосий мезонларни
қонунчиликада мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ:**

- 1** судьяларни тайинлаш, танлаш, юқори лавозимга кўтариш, бошқа судга ўтказиша ҳар қандай сиёсий таъсиридан холи бўлиши керак;
- 2** бу жараён фақатгина холис мезонлар, яъни қобилият, фазилат ва тажриба асосида амалга оширилиши лозим;
- 3** судьяни бошқа судга ўтказиша үнга нисбатан жазо чораси сифатида қўллан-маслиги зарур;
- 4** судьяда ўзига нисбатан чиқарилган ҳар қандай қарор юзасидан шикоят қилиш хукуқи бўлиши шарт.

Маликахон ҚАЛАНДАРОВА,

Судьялар олий мактаби «Иқтисодий хукуқ» кафедраси мудири,
юридик фанлар номзоди.

Одилжон СУЛАЙМАНОВ,

юридик фанлар номзоди

¹³ COE Recommendation (2010) 12 on judges and CCJE Magna Carta of judges. <https://rm.coe.int/16807482c6>.

¹⁴ COE Recommendation (2010) 12 on judges and CCJE Magna Carta of judges. <https://rm.coe.int/16807482c6>.

¹⁵ COE Recommendation (2010) 12 on judges and CCJE Magna Carta of judges. <https://rm.coe.int/16807482c6>.

¹⁶ COE Recommendation (2010) 12 on judges and CCJE Magna Carta of judges. <https://rm.coe.int/16807482c6>.



Тергов ва судлов сифати адолатнинг тўлиқ қарор топишига хизмат қилади

Эътироф этиш керак, Президентимизнинг 2020 йил 10 август куни имзоланган «Суд-тергов фаолиятида шахснинг хукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони малакали ва тўлақонли тергов ўтказиш ҳамда одил судловни таъминлаш борасида мухим қадам бўлди. Тъбир жоиз бўлса, мазкур хужжатни тарихий деб аташ мумкин.



Албаттага, ушбу фармон билан розилик берилаётган таклифлар, тақиқлаётган ҳолатлар ва ўрнатилаётган тартиблар бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонун лойиҳаларини киритиш белгиланди. Шу боис мен кўп йиллик тажрибага эга адвокат сифатида фармоннинг айрим бандлари юзасидан таклифларимни билдириб, янги қонунларни қабул қилиш жараёнида улар инобатга олинар деб умид қиласман. Дастлабки таклифим фармоннинг 2-банди билан боғлиқ.

Шахс амалда ушланган ёки уни жиноят устида ушлаш билан боғлиқ тезкор тадбир амалда якунланган ёхуд гумон қилинувчи деб эътироф этилганилиги ҳақидаги қарор унга маълум қилинган пайтдан бошлаб у билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни ўтказишдан олдин унинг адвокат билан холи учрашиши таъминланиши шартлигини белгилаш. Айни ҳолатда «гумон қилинувчи деб эътироф этилганилиги ҳақидаги қарор унга маълум қилинган пайтдан бошлаб» деган жумладан олдин ҳам «шахс ҳуқуқни мухофаза қилувчи органга олиб келинган пайтдан бошлаб» деган жумла билан тўлдирилиши янада муҳим. Шунингдек «у билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни ўтказишдан олдин» жумласидан сўнг «ҳимоячи билан тъминлаб» деган сўзлар билан тўлдирилса, айни мудда бўларди.

Айбига икрорлик бўйича келишув институини жорий қилиш. Мен мазкур янгилик ҳар икки томонга, яъни суриштирув ва терговни олиб бораётган ходимга ҳам, суриштирув ва тергов қилинаётган шахста ҳам фойдалилигини ҳамда қонунчиликдаги бўшлиқни тўлдиришини эътироф этмоқчиман.

Ўта оғир жиноят содир эттанлиқда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларга оид ишлар бўйича, шунингдек, шахста нисбатан қамоққа олиш ёки ўй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини кўллаш масаласи кўриб чиқилаётганда ҳимоячининг иштирок этиши шартлигини белгилаш. Бу борада мен «ўта оғир» сўзлари ўрнига «қандай жиноят содир эттанлигидан қатъи назар» деган жумлани киритган ҳолда жиноят содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларга оид ишлар бўйича ҳимоячининг иштирок этиши шартлигини белгилаш тарафдориман. Бу эса нафақат фармоннинг моҳиятига тўла мос келади, балки фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципига ҳам мувофиқ бўлади. Чунки ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этишда гумон қилинаётган барча шахслар қонун олдида тенгдирлар.

Фармоннинг 3-банди бошидаги агар суд тергови вақтида судланувчининг унга илгари айблов кўйилмаган жиноятни содир эттанлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, судланувчи-

ни янги айблов бўйича жиноий жавобгарликка тортиш, шунингдек агар суд тергови вақтида жавобгарликка тортилмаган шахс томонидан жиноят содир этилганилигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, ушбу шахсни ишда айланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун асосларни аниқлаш ҳақида илтимосномани судга киритиш ҳуқуқини иш бўйича барча тарафларга бериш қоидаси ҳам тарафларнинг тенгҳукуқлилигини, жиноята жазонинг муқарарлигини таъминлайди.

Шахста ўзлан қилинган айблов, жиноят иши суднинг қайси инстанциясида кўрилаётганидан қатъи назар, яратув институти доирасига тушадиган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси маҳсус қисмининг моддаси ёки қисмига ўзгартирилган ҳолларда яратув институтини кўллаш тартибини жорий қилиш. Эътироф этиш керак, бу янгилик яратув институти жорий қилингандан бўён амалиётда мавжуд бўлган муаммони ҳал этди. Бу билан тергов органи ҳар эҳтимолга қарши деб шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларни чекловчи, яъни унинг айбина бўрттириб, ҳаракатини нотўғри квалификация қилиши натижасида яратув институтининг ҳуқуқий оқибатидан, аниқроғи жиноий жавобгарлиқдан озод бўлишидан сунъий равища маҳрум этувчи ҳолатларга барҳам берилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фармоннинг 4-банди амалиётда тез-тез учраб турадиган салбий ҳолатларга барҳам берувчи тақиқларни, таъбир жоиз бўлса, олтин қоидаларни ўз ичига олган. Терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов органлари ходимлари томонидан шахсни файриқонуний ҳаракатлар содир этишда ундаш ва бундай ундаш оқибатида содир этилган жиноят учун уни айблаш шулардан биридир. Аслида бу ҳалқаро ҳуқуқ нормаси деб тан олинини керак. Ёки фармонга биноан тақиқланаётган, шахсни жиноят ишида гумон қилинувчи ёки айбланувчи сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлган ҳолларда (экспертиза ёки тафтиш ўтказиш талаб этиладиган ҳоллар бундан мустасно) уни гувоҳ тариқасида сўроқ қилиш, шунингдек, унга гумон қилинувчи ёки айбланувчининг процессуал ҳуқуқлари тушунтирилгунинг қадар ундан бирон-бир ёзма ёки оғзаки кўрсатув олиш ҳолатини олайлик. Ал-



батта, гувохнинг процессуал ҳолати гумонланувчининг; айбланувчининг процессуал ҳолатидан тубдан фарқ қиласди.

Масалан, Жиноят-процессуал кодексининг 46-ва 48-моддаларига кўра айбланувчи, гумонланувчи кўрсатув беришдан бош тортишига ҳақли. Ҳатто уларнинг зиммасига кўрсатув бериш мажбуриятини юклаш тақиқланади. Кодекснинг 66-моддадасига мувофиқ эса гувоҳ ўзига маълум бўлган ҳолатларни ҳақоний сўзлаб бериши, берилган саволларга жавоб қайтариши шарт. Баъзан кўрсатув беришдан бош торгтанлики ёки била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жавобгар ҳам бўлади. Аслида иш бўйича бошиданоқ айбланувчи ёки гумонланувчининг ҳукуқ ва эркинликлари поймол қилиниб, жавобгарлик борлиги ҳақида огоҳлантирилиб, таҳдид қилиниб, руҳий зўрлик ишлатилиб тушунтириш хати олинади ёки гувоҳ тариқасида сўроқ қилиниб, кўрсатув олинади.

Баҳоланки, кодекснинг 22-моддасида «Иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат ушбу кодексда назарда тутилган тартибида топилган, текширилган ва баҳолангандан маълумотлардан фойдаланиш мумкин. Гумон қилинувчидан, айбланувчидан, судланувчидан, жабрланувчидан, гувоҳдан ва ишда иштирон этувчи бошқа шахслардан зўрлаш, кўркитиш, ҳукуқларини чеклаш ва қонунга хилоф бўлган ўзгача чоралар билан кўрсатувлар олишга ҳаракат қилиш ман этилади» деб қайд этилган. Бу билан судлар кўп ҳолатларда гўё тушунтириш хатини шахс ўз кўли билан ёзган ёки гувоҳни сўроқ қилиш баёнини имзолаган деб айловга асос қилиб оладиган амалиётга чек кўйилмоқда. Бинобарин, мен юқоридаги нормани «бундай тартибида олинган ҳар қандай ёзма ва оғзаки кўрсатувни айловга асос қилиб олиш ман этилади» деб тўлдиришни таклиф этаман. Негаки Жиноят-процессуал кодексининг 88-моддасига асосан исбот қилишда зўрлик, пўписа қилиш, алдаш ва қонунга хилоф бошқа йўллар билан кўрсатув, тушунтириш, хуносат олишга эришиш тақиқланади.

Ушланган гумон қилинувчи ёки айбланувчининг яқин қариндошларини процесс иштирокчиси сифатида жалб қилиш учун асослар бўлмаган ҳолларда уларни ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларга чақириши ва сўроқ қилишининг тақиқланиши эса яқин қариндошларига босим

ёки руҳий тазиيқ ўтказиш орқали гумон қилинувчи ёки айбланувчига таъсир этишининг олдини олади. Ёхуд фармоннинг 5-бандидаги «Терговга қадар текширув ёки терговда ушланган шахсни ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазони ўтаётган маҳкумни тиббий кўридан ўтказиш, шунингдек, вақтингча сақлаш ва тергов ҳибсоналарида сақланётган гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини гувоҳлантириш уларнинг ёки адвокатининг илтимосномасига асосан 24 соат ичидаги вақтингча сақлаш ва тергов ҳибсоналари ёки жазони ижро этиш муассасалари тасарруфида бўлмаган тиббий муассасалар ходимлари томонидан амалга оширилиши шарт, бунда харажатлар илтимоснома киритви чи тараф ҳисобидан қопланади» деган қоида ҳам маҳкумга нисбатан қилиниши мумкин бўлган қийноқ ва бошқа ғайриинсоний ҳаракатларни яширишга барҳам беради.

Вояга етмаганлар, биринчи ва иккинчи гурӯҳ ногиронлари ҳамда пенсия ёшига етган шахсларга нисбатан уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир, шунингдек, эҳтиёtsизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қамоққа олиш тарзидағи эҳтиёт чорасини қўллашга йўл қўйилмайди.

Мазкур қоида бўйича мен «уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга» жумласи «беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга» деган жумла билан алмаштирилиши тарафдориман.

Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг ушбу фармони тергов фаолиятини халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда тақомиллаштириш ҳамда қонун устуворлиги ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларини рўёбга чиқариш орқали инсон ҳукуқлари олий қадрият эканлигини таъминлашга хизмат қиласди.

Қамбарави АБДУЛХАЕВ,
Кўкон шаҳридаги «Адолат шамчироги»
адвокатлик фирмаси раҳбари

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ

ХАБАР ҚИЛАДИ!

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган рухсатномаларнинг берилиши, ер ажратилиши, ҳисоботлар тақдим этиш, банкомопия хизматларидан фойдаланишда белгиланган муддатлар ва тартибларнинг бузилиши ёки бошқа кўринишдаги бюрократик тўсиқларга дуч келсангиз;

давлат, хукукни муҳофаза қилиш ва назорат қўйувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулкдорлар фаолиятига ноқонуни аралашилган, қонунга хилоф равишда текширишлар ўтказилган тақдирда ёхуд норматив-хукукий ва бошқа турдаги хужжатларнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига салбий таъсири бор деб ҳисоблаб, уларни такомиллаштириш зарур десангиз;

ўз хукуқларингизни ҳимоя қилиш ҳамда тақлифлар билдириш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасидаташкил этилган «Мурожаатларни телефон орқали қабул қилиш маркази»нинг 1007 қисқа рақамига кўнғироқ қилинг.

Шунингдек, Бош прокуратурада тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-кувватлаш ва тадбиркорлик субъектларининг хукукий ҳимоясини янада кучайтириш бўйича мутасадди давлат органлари, суд, хукукни муҳофаза қўйувчи ва назорат органлари ходимларидан иборат таркибда тузилган ташкилий-таҳлилий гурӯхга 0371-233-65-23 телефон рақами орқали мурожаат қилиш имконияти ҳам яратилган.

Хукуква қонуний манфаатларингизнинг тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.



№	Прокуратура органлари	Код	«Ишонч телефон»лари
1.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	0371	232-10-07
2.	Иккисодий жиноятларга қарши курашиб департаменти	0371	233-10-07
3.	Андижон вилояти прокуратураси	0374	227-10-07
4.	Бухоро вилояти прокуратураси	0365	221-10-07
5.	Жizzах вилояти прокуратураси	0372	226-10-07
6.	Қашқадарё вилояти прокуратураси	0375	228-10-07
7.	Қарақалпогистон Республикаси прокуратураси	0361	222-10-07
8.	Навоий вилояти прокуратураси	0436	210-10-07
9.	Наманган вилояти прокуратураси	0369	227-10-07
10.	Самарқанд вилояти прокуратураси	0366	232-10-07
11.	Сирдарё вилояти прокуратураси	0367	235-10-07
12.	Сурхондарё вилояти прокуратураси	0376	223-10-07
13.	Тошкент шаҳар прокуратураси	0371	271-10-07
14.	Тошкент вилояти прокуратураси	0371	230-10-07
15.	Фарғона вилояти прокуратураси	0373	244-10-07
16.	Хоразм вилояти прокуратураси	0362	227-10-07

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси



МИТТИ ҲИКОЯЛАР

Дори

Неваралар бир тишлаб ташлаб кетган олманинг у ёқ-бу ёғини пичоқда кесиб еб ўтирсам, неварам келиб сўради:

- Дода, нимага бизлардан қолган олмани еб ўтирибиз? – Кейин ҳосилининг кўплигидан зўрга шохини кўтариб турган олма дарахти томон ияқ қоқди. – Ана, кўп-ку.

- Сенлардан қолгани дори-да, болам.

- Дори? Қанақа дори?

Шунда раҳматли катта энамнинг: «Увол қилмагин, болам, кўр бўлиб қоласан» деган гапи эсимга тушиб, жилмайганча жавоб қилдим.

- Кўзни равшан қиласиган дори, кўзим...

Гўзал дунё

Бир куни Амир Темур хиёбонида тушлиқдан кейин дам олиб ўтирсам, Ўзбекистон халқи рассоми, ажойиб инсон Рўзи Чориев (охирати обод бўлсин) ўтиб қолди. Икки томонида иккита европалик гўзал қиз (натуршица бўлса керак). Қизлар ниҳоятда гўзал, бўйлари ҳам салкам икки метр. Рўзи ака сулувларнинг белидан келади. Менга кўзи тушган заҳоти қизларни ҳам ташлаб юргилаб олдимга келди. Бағрига босиб, ўпишиб кўришиди. Рўзи ака билан турли тадбирларда, йиғилишларда кўришиб турардигу, лекин муносабатларимиз ўпишиб кўришадиган даржада эмас эди. Шу сабаб мен ўзимни тортиброк турдим. Рўзи ака буни сезди.

– Биласизми, Шарофжон, – деди у негадир менга қарамай. – Мен қандай қилиб дунёни гўзал қилишни биламан.

Менинг юз ифодамдаги савонни ўқий олди, шекилли, ўзи жавоб берни кўя қолди:

– Бу жуда осон: кўришаётган одамингиз билан ҳам, хайрлашаётган одамингиз билан ҳам ўзингизни тўғ охирги марта кўришаётган ёки охирги марта хайрлашаётгандай тутишингиз керак. Шу одамини бошқа кўрмайсиз! Бу сўнгги кўришишингиз ё сўнгги хайрлашишингиз! Қандай кўришасиз? Қандай хайрлашасиз? Ҳозирингина бағрингизга босиб турган одамингиз ҳақида қандай қилиб ёмон ўй-

га борасиз? Боролмайсиз. Ана! Ҳамма ёкни одамийлик, меҳрибонлик, фамхўрлик, мурувват босиб кетади...

Бунга кўп йил бўлди. Энди у одам ийк... Ўша сухбатни эсласам, ўзимни тортиброк турганим ёдимга тушиб, хижолатдан қора терга ботиб кетаман.

Мундоқ ўйлаб қаралса, чиндан ҳам биз шунчаки саломлашамиз, шунчаки хайрлашамиз, ўша одамнинг кўзларини кўрмаймиз, афт-ангорига разм солмаймиз. Расм бўлиб қолган сўзларни шунчаки тақрорлаймиз.

Келинг, бир-биримиз билан шунчаки саломлашмайлик, шунчаки хайрлашмайлик, бағримизга босиб, сидқидилдан салом-алик қилайлик. Зоро, Рўзи ака айтганидек, дунёни одамийлик, меҳрибонлик, фамхўрлик, мурувват босиб кетсан!

Она

Раҳматли отамиз Норматов Бошбек Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси бўлгандар. Бола эдим. Отамиз одамни титратиб юборадиган бир воқеани онамизга гапириб берганлари ҳамон эсимда.

– Вязъма йўналишидаги бир чоғроқ шаҳарчани душмандан озод қилдик, – дэя гап бошлади отамиз. – Ҳаҳратон қиши. Икки қаватли ёғоч уйлар, кўча тўла ўлликлар... Бир уйнинг иккинчи қаватига чиқсан, латта-путталар уюми ёнида бир аёл ўлиб ётибди. Битта ҳам душман йўқ – қочиб кетишган шекилли. Энди ўғирилиб кетмоқчи эдим, ўллик ёнидаги латта уюми қўмирлагандай бўлди. Очиб кўрсан, ё курдатингдан, тирик чақалоқ ўллик онасини эмиб ётибди!.. Деразага югуриб бориб, паstdаги ҳамширии чақирдим. Зудлик билан ҳамшира-ю врачлар етиб келишди. Ҳайратланарли жойи шундаки, мурда совуқда қотиб қолган бўлса ҳам чақалоқ эмаштган кўкрак юмшоқ ва иссиқ эди, иккинчиси қотиб ётибди! Ҳарбий врачлар ҳам ҳайратда: одам ўлгандан кейин узоги билан йигирма дақиқадан сўнг организмдаги барча аъзолар ўз фоалиятини тўхатиши керак-ку!.. Врачларнинг айтишича, бу аёлнинг жони узилганига ўн кун, бўлмаганда бир ҳафта бўлган экан!.. Ҳамширалар тезда гўдакнинг таглигини алмаштиришди, қайтадан йўргаклаб,

шинелга ўрашди. Орадан кўп ҳам вақт ўтгани йўқ, бир пайт қарасак, ҳозиргина чақалоқ эмиб турган қайноқ ва юмшоқ кўкрак ҳам иккинчисига ўхшаб совуқда қотиб ётибди. Ҳудди жигаргўшасининг ишончли кўлларга тушганидан хотиржам бўлгандай... Бирор гапириб берганида икки дунёда ҳам ишонмасдим, ўз кўзим билан кўрдим ахир... – деб отамиз ҳикоясini тутагдилар.

Нима бу? Бу не синоат, не мўъжизаки, она ўлганидан кейин ҳам юрагининг бир парчасига уммон қадар меҳр, осмон қадар муҳаббат соғинса! Табиат қонунларига бўйсунмайдиган, тибиёт қонунларини тан олмайдиган ОНА МЕҲРИ олдида бутун борлиқ таъзимда.

Ўзбек характери

Бир куни кичкина қизчамни етаклаб бозорга тушдим. Узум олмоқчи бўлдик. Бир баджал, кўрс одам узум сотяпти. Қовоғи менинидан ҳам баттар осилиб кеттган. Яқинлашиб нархини сўрадим.

– Кўрмаяпсизми, ёзиб кўйибмиз-ку!
– деб жеркиб берди у.

– Ҳа энди, бу бозор – харидор дегани савдолашади, тортишади.

– Сиз билан тортишиб ўтиришга вақтим йўқ! Олсангиз олинг, бўлмаса товорни тўсманг!

Барibir савдолаша бошладик. Мен у дедим, у бу деди, хуллас, ўн сўмлик узумни саккиз ярим сўмга келишдик.

Қараб турибман, ҳалиги амаки торозининг палласини тарақлатиб жаҳл билан узум тортепти. Бир пайт қизчамга кўзи тушиб, бутунлай бошқа оҳангда сўради:

– Ие, бу яхши қизалоқ экан-ку! Исминг нима? Ма, манови сенга... – деб салкам ярим кило келадиган узум босини қизимга узатди. Ҳайрон бўлмаман, мен билан шунча талашиб-тортишгани нима-ю, шунча узумни текинга бериб юborgани нима? Беришга берди-ю, лекин огоҳлантариб кўйишияни унутмади: – Буни ўзинг егин, хўпми? Дадангга берма, шундок ҳам у мени қароқчидай қақшатиб кетяпти!..

Қарасам, бошқа сотувчилар ҳам унга жилмайиб қараб туришибди. Улар бу одамнинг сирти қўпол, лекин ички дунёси нечоғлик ёргулгини билишар, у савдо қилаётганида доим кузатиб туришар экан. Ўйга қайтаётиб эътибор қилсан, ўзим ҳам жилмайиб кетаётган эканман...



Тана ва рух

Бемор бўлишнинг бир яхши томони бор – ўйлашга, мушоҳада килишга вақтингиз бемалол бўлар экан. Мъалумки, одамзод тана ва рух (жон)дан иборат бўлади. Олимлар ўлим тўшагидаги ётган турли ёшдаги 6 минг одамни текшириб кўриб шундай хуносага келган: bemorning жони узилган пайти мурда 0,04 гр. енгиллашган. Демак, рух (жон)нинг оғирлиги 0,04 грамм келаркан. Шуниси қизиқи, янги туғилган чақалоқ ўладими, 90 ёшли чол ўладими, оғирлиги бир хил – 0,04 гр. Демак, рух қаримайдиган, танага бўйсунмайдиган, алоҳида яралган субстанция экан. Ўйлаб кўрсам, бутун жамият ана шу субстанция учун эмас, тана учун ишлар экан. Оғир ва енгил саноат, транспорт, курилиш, озиқовқат саноати, бичиши-тишиш, сартарошхона ва гўзаллик салонлари, ресторандар, поликлиника-ю касалхоналар танамизга хизмат қиласр экан. Буларнинг хеч бири рухимизга керак эмас! Қимматбаҳо хориж машиналарини минамиш, 80-90 кило гўштимизни ў ёқдан-бу ёққа олиб бориш учун керак, рухимизга кераги йўқ – у учиб юра-

ди. Совук еганимиз учун кийнамиш, рух эса совук ҳам емайди, исиб ҳам кетмайди. Танамиз учун қор-ёмғирдан тўсадиган бир бошпана керак, рух учун мутлақо кераги йўқ. Рухга тилла тақинчоқлар ҳам керак эмас. Ҳатто армия ҳам танамизга хизмат қиласди – у ер-бу еримизга ўқ тегишидан, танамиз портлаб кетишидан асрайди.

Хўш, рухимизга нима хизмат қиласди? Рухнинг «озуқа»си нима? Кўша-кўша нақшинкор иморатлар, ялтир-юлтири кийим-кечак, дуру гавҳар керак бўлмаса, унда рух учун нима керак?

Рухимиз у қадар инжиқ эмас. Унинг «нони» – Аллоҳнинг каломи-ю, адабиёт ва санъат.

Шу пайт хаёл суришнинг белига тепиб, ҳамшира келиб қолди:

– Капельница олами-из!..

Уф-ф, буларнинг дастидан хаёл суреб ҳам бўлмайди... Игнадан имла-тешик бўлиб кетган билагимга игна тиқиб чиқиб кетди.

Булар тагин танамни даволашяпти...

Гадо

Ўтган йили рўза кунлари Бекобод томонга сафарга чиқадиган бўлиб қолдик. Мен рулдаман, ёнимда шеригим ҳам бор. Борадиган манзил ҳали узок. Дала жой – атрофда инсон яшайдиган на қишлоқ бор, на уй-жой. Қош қорая бошлади. Бир пайт 12-14 ёшлардаги бир болакай тўхташга ишора қиласди. Кўлидаги бир парча фанергами, картонгами қинғир-қийшиқ ҳарфлар билан «Ифттор» деб ёзиб кўйилган. Тўхтадик. Болакай югуриб келиб салом берди. Индамай бир пиёла сув узатди. «Сувдай сероб бўлгинг» деб дуо қиласди. Кетидан бир дона қуриган хурмо берди. «Э, барака топ, умринг зиёда бўлсин!» деб машинани энди юргизмоқчи бўлиб турувдим, шеригим битта беш мингталик чиқариб, болакайга узатди. Шунда боланинг юзига хижолатли табассум югурди:

– Нима қиляпсиз, амаки, мен пул гадосимас, дуо гадосиман, – деб пулни олмади.

Шеригим мулзам тортди. Машина жилди.

– «Пул гадосимас, дуо гадосиман...» – боланинг гапини тақрорлади шеригим. Йўлда давом этарканмиз, у ўзини оқлаган оҳангда хуносага қиласди: – Отаси ўргаттан, бўлмаса ёш боланинг калласига қаёқдан келади бундай ақрли гап?

Мен боланинг гапига ажабланмадим. Шеригим унинг пешонасидағи жойнамоз изига эътибор килмаган кўриниади, бўлмаса у ҳам ҳайрон бўлмасди...

Буви

Касалхонада эдим. У-бу нарса кўтариб хотиним келди. Олиб келган нарсаларини ёдириб-ичириб, «болалар ёлғиз» деб, шошиб чиқиб кетди.

– Онангизмилар? – сўради ҳамхонам.

Жаҳлим чиқиб кетди. Ие, эси борми бу одамнинг! Қитмирлигим тутиб бир «Йўқ, онам эмас, бувим!» демоқчи ҳам бўлдими, балки аёлим бош-оёқ оппоқ ҳижобда бўлгани учун унга шундай тюолгандир деган ўйга бориб, «ўйин»ни давом эттиридим:

– Қаёқдан билдингиз?

– Фақат оналаргина ўз фарзандига шунаقا куйиб-пишиб, гирдикапалак бўлишади.

Бирдан жаҳлдан тушдим ва аёлим билан фахрланганимдан кўзларимда ёш айланди...

Унвон

Бир куни устоз Саид Аҳмаднинг Дўрмондаги ҳовлисida ўтирган эдик, бир киши келиб, устозни водийга учрашувга таклиф қилиб қолди. Эртага машинада келиб олиб кетишга вайда берди.

– Э-э, менда вилоятма-вилоят юришга куч қопти дейсанми, – деди устоз ҳорғинлик билан. – Мана, Шарофни опкетақолинглар, ёш, драматургия бобида менданам машхур, «Темир хотин» десанг любой қишлоқдаги любой ит танийди!

– Кўйсангиз-чи, Саид Аҳмад aka – деб ожизгина эътиroz билдиридим. – Мен бормайман.

– Ия, нега? – ажабланди устоз.

Бирорвларга айтиб бўлмайдиган гапларни ҳам устоздан яшириб ўтирасдидим:

– Қаерга учрашувга борсам хижолатвозлик бўляпти. Одатда аввал ҳокимиятта борилади. Сўнг ҳоким ўринbosари ёки вилоят маданият бошқармасидан кимdir етovida йўлга чиқамиз. Учрашувда ҳалққа бошқа шерикларимни таништира туриб, менга келганда ўша вакил «Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси Шароф Бошбеков» дейди. «Кечирасиз, менда унақа унвон йўқ» деб айта-айта чарчадим.

Устоз бирпас сукутга чўқди-да, бошини кўтарди.

– Бекор қилибсан, – деди устоз ўта жиддийлик билан. Уларни камдан-кам ҳолларда бунақа жиддий кўрганман. – Биринчидан, ҳалқ олдида ўша раҳбарнинг обрўсини тўкяпсан. «Кимнинг қанақа унвони борлигини билмаса бундай лавозимда ишлаб нима қиласди?» деган ўйга боради-да ҳар қандай одам. Иккинчидан, бизга бу унвонни Олий совет берган, сенга ундан ҳам юкори – Ҳалқ беряпти! Биз бирор нарсани сал нотўғрироқ галириб ёки ёзиб кўйсақ, берган унвонни қайтариб олиб кўйиши мумкин. Сендан ҳеч ким тортиб ололмайди. Ҳатто президент ҳам!

Устознинг ўйидан худди чиндан ҳам унвон олгандай севиниб чиқиб кетдим...

Тағаркүр



LexUz –

Ўзбекистон Республикаси
Қонун ҳужжатлари
маълумотлари миллий базаси

Мақсадимиз аҳолининг
ҳуқуқий маданияти даражасини
қўтариш, юридик ва жисмоний
шахслар қонун ҳужжатларидан
кенг фойдаланиш имкониятини
таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий
ахборотлаштириш тизимини
такомиллаштиришдан иборат.

Йиллар бўйича	Шакли бўйича	Орган бўйича
2015 - 2016	Конституция (4)	Юрисдикция
2016 - 2017	Кодекс (26)	Демократия
2017 - 2018	Конституция (170)	Фудоркин конвенция
2018 - 2019	Кодекс (124)	Союзни сийса
2019 - 2020	Регулятор (44)	Изъянният
2020 - 2021	Варфоломей (25)	Бандалик турбосидан

LexUz –

Интернет орқали норматив-
ҳуқуқий ҳужжатларни
олиш имконияти

Тизимда рўйхатдан ўтиш
мажбурий эмас,
фойдаланиш
мутлақо бепул.

t.me/lexuzofficial



www.facebook.com/LexUzbekistan



Ишончлилик

LexUz тизими

Ўзбекистон Республикаси

Адлия вазирлигига тегишилдирил

Тизимга маълумотлар фақат
расмий манбалардан киритилиши
уларнинг ишончлилигини
таъминлайди.

Конунчлилар соҳалари

- Конституцион турм
- Демократия
- Фудоркин конвенция
- Союзни сийса
- Изъянният
- Бандалик турбосидан
- Аэропорт на аэробостанни
- Талила, Фон, Маддият
- Сокакни сийса, Жизоний тарбия, Спорт, Тарни
- Муддара
- Хеъфозлик ва ёзди, табобот куёғимон
- Олиги суди
- Правоохраня Админалту Назарият, Сирдили министри
- Адлия органи, ёзиб органи
- Халқаро мунисипалитет, Ҳамидо гулуб

Мобиллик

LexUz тизимиidan дунёning
исталган жойида
фойдаланиш мумкин

LexUznинг мобиъль қурилмалар учун
версияси мавжуд.



Манзил: Тошкент шаҳар, Миробод тумани,

Амир Темур шоҳкӯчаси, 19-йўл.

Тел.: (998 71) 233-38-08, (998 71) 233-73-98

[http://www.lex.uz/](http://www.lex.uz;); e-mail: lex@adliya.uz

HUQUQ VA BURCH

JITIMOY-HUQUQIY JURNALI



HUQUQIY
AXBOROT
PORTALI

OBUNA BO'LING!

www.huquqburch.uz

2021-YIL
uchun obuna bo'ling!



Мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, суд-хукуқ тизимини либераллаштириш, жамиятда хукуқий онг ва хукуқий маданиятни юксалтириш ҳамда қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлардан боҳабар бўлишни истасангиз, "Huquq va burch" ижтимоий-хукуқий журналига обуна бўлинг.

902
обуна индекси